(b) «Ўмон» атамаси Ўмон Султонлиги ҳудудини ва унга тегишли оролларни, шу жумладан ҳудудий сувлари ва халқаро ҳуқуқ ва Ўмон Султонлиги қонунчилигига мувофиқ унинг доирасида Ўмон Султонлиги денгиз туби, ер ости, чегарадош сувлар табиий захираларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бобида суверен ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудий сувларидан ташқарига чиқадиган ҳар қандай ҳудудни билдиради.

(c) «Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матн мазмунига қараб, Ўзбекистон Республикасини ёки Ўмон Султонлигини англатади;

(d) «шахс» атамаси жисмоний шахсни, компания ёки шахсларнинг ҳар қандай бошқа бирлашувини англатади;

(e) «компания» атамаси, солиқ солиш мақсадида юридик шахсни ёки

юримдик шахс сифатида қараладиган ҳар қандай бошқа ташкилотни англатади;

(f) «Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» атамалари тегишинча бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида фаолият юритаётган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида фаолият юритаётган корхонани англатади;

(g) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси томонидан фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль воситаларида ҳар қандай ташишни англатади, денгиз ёки ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль воситаларидан фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланилиши бундан мустасно;

(h) «миллий шахс» атамаси қуйидагиларни англатади:

(i) Аҳдлашувчи Давлат миллатига мансуб бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни;

(ii) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўзининг тегишли мақомини олган ҳар қандай юримдик шахс, ширкат ва уюшмани.

(i) «ваколатли орган» атамаси қуйидагиларни англатади:

(i) Ўзбекистонга нисбатан — Давлат солиқ қўмитасини ёки унинг ваколатли вакилини;

(ii) Ўмонга нисбатан — Миллий иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Маслаҳатчисини ёки унинг ваколатли вакилини.

2. Битим исталган вақтда Аҳдлашувчи Давлат томонидан қўлланилганида унда белгиланмаган ҳар қандай атама, агар матндан бошқа маъно келиб чиқмаса, ушбу Битим татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан ана шу Давлат қонунларига кўра эга бўлган маънони англатади, атаманинг ҳар қандай маъноси ана шу Давлатнинг солиқ қонунчилигига мувофиқ ана шу Давлатнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларида шу атама учун назарда тутилган маънодан устувор бўлади.

4-модда. Резидент

1. Ушбу Битим мақсадларида «Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти» атамаси ушбу Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиш жойи, корпоратив сифатида ташкил этилган жойи, рўйхатдан ўтган жойи ёки исталган бошқа мезон асосида солиқ солинадиган ҳар қандай шахсни англатади, шунингдек Давлатнинг ўзини ва ҳар қандай маъмурий-ҳудудий бўлинма ёки маҳаллий ҳокимият органини ҳам ўз ичига олади.

2. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

(a) шахс тўсиқсиз яшаш мумкин бўлган доимий яшаш жойига эга бўлган Давлатнинг резиденти ҳисобланади, агар у иккала Давлатда тўсиқсиз яшаш мумкин бўлган доимий яшаш жойига эга бўлса, шахсий ва иқтисодий алоқалари (хаётий манфаатлари маркази) энг яқин бўлган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

(b) агар унинг ҳаётини манфаатлари маркази бўлган Давлатни аниқлаб бўлмаса ёки Давлатларнинг ҳеч бирида тўсиксиз яшаши мумкин бўлган доимий яшаш жойи бўлмаса, у одатда яшаб турган Давлатнинггина резиденти ҳисобланади;

(c) агар шахс одатда ҳар икки Давлатда яшаса ёки одатда уларнинг ҳеч бирида яшамаса, у қайси Давлатнинг фуқароси бўлса, шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

(d) агар (a) — (c) кичик бандлари бўйича резидентнинг мақомини аниқлашнинг иложи бўлмаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишув асосида ҳал қилишлари лозим.

3. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс бўлмаган шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, у унинг амалдаги бошқарув органи жойлашган Давлатнинг резиденти ҳисобланади.

5-модда. Доимий муассаса

1. Ушбу Битим мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси корхона тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) бошқарув жойи;

(b) бўлинма;

(c) офис;

(d) фабрика;

(e) устахона; ва

(f) шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёки табиий ресурслар қазиб олинadиган ҳар қандай бошқа жойни.

3. «Доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

(a) қурилиш майдончаси, қурилиш, монтаж ёки йиғиш объекти ёки улар билан боғлиқ бўлган назорат фаолияти, бироқ бундай майдонча, объект ёки фаолиятнинг муддати 9 ойдан ортиқ давом этса;

(b) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан хизматлар кўрсатиш, шу жумладан консалтинг ёки бошқарув хизматлари корхона шу мақсад учун ёллаган хизматчилар ёки бошқа ходимлар орқали амалга оширилса, бироқ шу мазмундаги фаолият бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида ҳар қандай ўн икки ойлик давр мобайнида 183 кундан ошадиган давр ёки даврлар мобайнида давом этса.

4. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

(a) иншоотлардан фақат шу корхонага тегишли бўлган товарлар ёки буюмларни сақлаш, етказиб бериш ёки намойиш қилиш мақсадида фойдаланиш;

(b) шу корхонага тегишли бўлган товарлар ёки буюмлар захирасининг сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадида сақлаб турилиши;

(c) шу корхонага тегишли товарлар ёки буюмлар захирасининг уларни фақат бошқа корхона томонидан қайта ишлаш мақсадида сақлаб турилиши;

(d) доимий фаолият жойининг товарлар ёки буюмлар сотиб олиш ёхуд ушбу корхона учун ахборот йиғиш мақсадида сақлаб турилиши;

(e) доимий фаолият жойи фақат шу корхона манфаатлари учунгина бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадида сақлаб турилиши;

(f) доимий фаолият жойи фақат (a) — (e) кичик бандларида назарда тутилган фаолият турларининг ҳар қандай бирикуви учунгина, башарти бундай доимий фаолият жойининг жами фаолияти ана шу фаолият турларини бирлаштириш натижасида вужудга келса, тайёргарлик ёки ёрдамчи тусда бўлса, сақлаб турилиши.

5. Ушбу модда 1 ва 2-бандларининг қоидаларига қарамай, агар 6-банд татбиқ этиладиган мустақил мақомли агентдан ўзга шахс Аҳдлашувчи Давлатда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси номидан фаолият кўрсатаётган бўлса ва агар:

(a) ушбу Давлатда бундай корхона номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлса ва ушбу ҳуқуқлардан одатда фойдаланса (бундай шахснинг фаолияти 4-бандда кўрсатилган фаолият турлари билан чекланиб қолмаса) ва бундай фаолият турлари агар доимий фаолият жойи орқали амалга оширилса ҳам бу доимий фаолият жойи ушбу банднинг қоидаларига асосан уни доимий муассасанинг доимий фаолият жойига айлантормаса, ёки

(b) бундай ваколатга эга бўлмаса, аммо биринчи айтиб ўтилган Давлатда товар ва буюмлар захирасини одатда сақловчи ва бундан корхона номидан товар ва буюмларни сотувчи бу корхона биринчи айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб қаралади.

6. Агар корхона Аҳдлашувчи Давлатда брокер, комиссиянер ёки ҳар қандай бошқа мустақил мақомли агент орқалигина тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, башарти бундай шахслар ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида иш юритсалар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди. Бирок, агар ушбу агентнинг бундай фаолияти тўлалигича ёки деярли тўлалигича шу корхонага бағишланган бўлса, у мазкур банднинг маъноси доирасида мустақил мақомли агент сифатида қаралмайди.

7. Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилса ёки унинг томонидан назорат қилинса ёхуд ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда) ўз-ўзидан бу компаниялардан бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантириб қўймайди.

III-боб. Даромадни солиққа тортиш

6-модда. Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан оладиган даромади (шу жумладан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадлар) ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мол-мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигида ифодаланган тушунчага эга бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу атама белгилаган кўчмас мулкка тегишли бўлган мол-мулкни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланадиган чорва моллари ва жихозлар, ер устидаги мулк тўғрисидаги умумий қонунчилик қоидалари қўлланиладиган ҳуқуқлар, кўчмас мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари ва ресурслар қатламларини қазиб учун товон сифатида тўланадиган ўзгарувчан ёки қайд этилган тўловлар ҳуқуқини ёки минераллар, булоқлар ва бошқа табиий ресурслар қатламларини қазиб ҳуқуқини ўз ичига олади, денгиз ва ҳаво кемалари кўчмас мулк ҳисобланмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. 1 ва 3-бандлар қоидалари корхонанинг кўчмас мулкдан олган даромадларига ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун фойдаланадиган кўчмас мулкдан олган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади.

7-модда. Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, агар корхона ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширмаётган бўлса, фақат шу Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини, юқорида айтилганидек, амалга ошираётган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда:

(а) шу доимий муассаса фаолиятига;

(б) ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бу доимий муассаса орқали сотиладиганлар билан бир хилдаги ёки ўхшаш турдаги товарлар ёки буюмларни сотишга; ёки

(с) ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошириладиган бу доимий муассаса орқали амалга ошириладиган билан бир хилдаги ёки ўхшаш турдаги бошқа тадбиркорлик фаолиятига тегишли бўлган қисмидагина солиққа тортилади.

2. Мазкур модданинг 3-банди қоидаларига мувофиқ, агар Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда бундай доимий муассасага фойда у алоҳида ва мустақил корхона сифатида худди шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни худди шундай ёки шунга ўхшаш шартлар асосида амалга ошириб доимий муассаса ҳисобланган корхонадан мутлақо мустақил равишда иш кўриб олиши мумкин бўлган фойда каби ҳисоблаб ёзилади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда, ушбу доимий муассаса фаолияти мақсадлари учун сарфланган, шу жумладан доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда ва ундан ташқаридаги фаолият мақсадлари учун сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни чегириб ташлашга йўл қўйилади.

Бироқ агар доимий муассаса томонидан корхонанинг бош офисига ёки унинг бошқа офисларидан исталган бирига патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун гонорарлар, роялти тўловлари ёки бошқа шунга ўхшаш тўловлар орқали ёки аниқ хизматлар кўрсатганлик учун коммиссион тўлов йўли билан ёки менежмент учун ёхуд банк муассасасидан ташқари ана шу корхона учун қарзга берилган қарз фоизлари тўловлари йўли билан тўланадиган (ҳақиқий харажатларни қоплашдан бошқа бўлган) суммаларга нисбатан ҳеч қандай чегиришларга йўл қўйилмайди. Шу тарзда, доимий муассаса томонидан корхонанинг бош офисига ёки унинг офисларидан бошқа ҳар қайсисига гонорарлар, роялти тўловлари ёки патентлардан ёхуд бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун шунга ўхшаш бошқа тўловлар тўлаш йўли билан ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёки менежмент учун коммиссион тўловлар йўли билан ёки банк муассасасидан ташқари ана шу корхона учун қарзга берилган қарз фоизлари тўловлари йўли билан (ҳақиқий харажатларни қоплашдан ташқари) сарфланган суммалар доимий муассаса фойдасини аниқлашда эътиборга олинмайди.

4. Корхона умумий фойда суммасини унинг ҳар хил бўлинмаларига мутаносиб равишда тақсимлаш асосида доимий муассасага тегишли бўлган фойдани Аҳдлашувчи Давлатда аниқлаш одатий амалиёт эканлигига қарамасдан, 2-банддаги ҳеч нарса бу Давлатга амалиёт томонидан татбиқ этилувчи бундай тақсимлаш орқали фойдани аниқлашни тақиқламайди, бироқ тақсимлашнинг танланган усули мазкур моддадаги тамойилларга мос бўлган натижани бериши лозим.

5. Фақат ушбу корхона учун доимий муассаса томонидан товарлар ёки буюмларнинг харид қилинишигагина асосланиб доимий муассасага бирон-бир фойда ҳисоблаб ёзилмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага тааллуқли бўлган фойда, агар уни ўзгартириш учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, йилма-йил бир хил усулда аниқланади.

7. Агар фойда ушбу Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, унда ана шу моддаларнинг қоидаларига ушбу модда қоидалари дахл қилмайди.

8-модда. Халқаро транспорт

1. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишдан оладиган фойдаси фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

2. Мазкур модданинг мақсадлари учун халқаро ташишда денгиз ёки ҳаво кемаларини ишлатишдан олинандиган фойдага қуйидагилар киради:

(а) халқаро ташишларда тўлиқ жиҳозланган, бутланган ва етказиб берилган ҳамда эксплуатацияда фойдаланандиган денгиз ёки ҳаво кемаларининг чартери, лизинги ёки ижараси;

(б) экипажсиз фрахт қилиш асосида денгиз ёки ҳаво кемаларининг чар-

тери, лизинги ёки ижараси, бундай чартер, лизинг ёки ижара денгиз ёки ҳаво кемаларини халқаро ташишда ишлатишга нисбатан тасодифий бўлганда;

(с) товарлар ва буюмларни ташиш учун ишлатиладиган контейнерлардан (бунга контейнерларни ташиш учун фойдаланиладиган трейлер ва бошқа ёрдамчи ускуналар ҳам кирази) фойдаланиш, сақлаш ёки ижарага беришдан олинadиган фойдалар, агар бундай ижара ёки фойдаланиш, сақлаш ёки ижара, матн мазмунида бошқача ҳолат назарда тутилмаса, халқаро ташишда денгиз ёки ҳаво кемаларига нисбатан тасодифий бўлса.

3. 1 ва 2-бандлари қоидалари транспорт воситаларини эксплуатация қилиш бўйича пульда, қўшма фаолият ёки халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинган фойдаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

4. «Денгиз ёки ҳаво кемаларидан фойдаланиш» атамаси мулкдорлар, ижарачиларнинг йўловчилар, почта, инвентарь ёки товарларни денгиз ёки ҳаво йўли билан ташиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти ёки денгиз ёки ҳаво кемалари чартери, шу жумладан бошқа корхона номидан бундай ташиш учун чипталар сотиш ва бундай фаолият билан бевосита боғлиқ бошқа фаолият тушунилади.

9-модда. Бирлашган корхоналар

1. Агар:

(а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг мол-мулкида бевосита ёки билвосита иштирок этса, ёки

(б) ўша шахслар Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришида, назорат қилишида ёки мол-мулкида бевосита ёки билвосита қатнашсалар,

ва ҳар қандай ҳолатда корхоналар ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мустақил корхоналар ўртасида яратилadиганидан фарқли шароитлар вужудга келтирилса ёки белгиланса, бунда улардан бирига ҳисобланиши мумкин бўлган, аммо бундай шароитлар натижасида унга ҳисобланмаган ҳар қандай фойда ана шу корхонанинг фойдасига ҳисобланиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат шу Давлат корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бўйича ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилган фойдани киритса ва тегишли равишда солиққа тортса ва шу тариқа киритилган фойда биринчи эслатилган Давлат корхонасига, агар иккала корхона ўртасида вужудга келтирилган муносабатлар икки мустақил корхона ўртасидаги муносабатлар каби бўлганда ҳисобланадиган фойда бўлса, у ҳолда ана шу бошқа Давлат фойдадан ўзида олинган солиқ миқдорига тегишли зарур тузатишларни киритади. Бундай тузатишларни белгилашда ушбу Битимнинг бошқа қоидаларига тегишлича эътиборни қаратиш керак ва Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органлари, зарур бўлса, ўзаро маслаҳатлашувларни бошлашлари лозим.

10-модда. Дивидендлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аммо бундай дивидендлар, шунингдек дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда шу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, бироқ агар дивидендларнинг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унда шу тарзда олинган солиқнинг миқдори дивидендлар ялпи миқдорининг 7 фоизидан ошмаслиги керак.

Бу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасини солиққа тортишга дахл этмайди.

3. 2-банд қоидаларига қарамасдан бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат Ҳукуматига тўланадиган дивидендлар биринчи айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилишдан озод этилади.

4. 3-банд мақсадларида «Ҳукумат» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) Ўмон Султонлигига нисбатан:

(i) Ўмон Марказий банки;

(ii) Бош Давлат резерв фонди;

(iii) Ўмон инвестиция фонди; ва

(iv) Аҳдлашувчи Давлатлар ваколатли органлари ўртасида вақти-вақти билан келишиладиган, Ўмон Султонлиги Ҳукуматига тўлалигича ёки асосан тегишли бўлган ҳар қандай бошқа юридик шахс ёки муассаса;

(б) Ўзбекистонга нисбатан:

(i) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

(ii) Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки;

(iii) ёки Аҳдлашувчи Давлатлар ваколатли органлари ўртасида келишиши мумкин бўлган, ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш давлат муассасаси.

5. «Дивидендлар» атамаси мазкур моддада қўлланилганда, акциялардан олинадиган ёки қарз талаблари бўлмаган, фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳуқуқлардан олинадиган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резиденти бўлган Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ акциялардан олинадиган даромад каби солиқларни тартибга солишга тааллуқли бўлган бошқа корпоратив ҳуқуқлардан олинадиган даромадни англатади.

6. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлгани ҳолда, ана шу дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатида ўз фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда мустақил шахсий хизматларни у ерда жойлашган доимий базадан кўрсатса ва дивидендлар тўланадиган ҳолдинг аслида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари қўлла-

нилмайди. Бундай ҳолда, шароитга қараб, 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари қўлланилади.

7. Агар бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, ана шу бошқа Давлат компания тўлаётган дивидендларни солиққа тортмаслиги мумкин, бундай дивидендлар ана шу бошқа Давлат резидентига тўланадиган ёки дивидендлар тўланадиган холдинг шу бошқа Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳатто тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу бошқа Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам, компаниянинг тақсимланмаган фойдасидан солиқлар ундирилмайди.

8. Агар бундай яратиш ёки тақсимлаш орқали мазкур модда имтиёзларидан фойдаланиш унга нисбатан дивиденд тўланадиган акцияларни ёки бошқа ҳуқуқларни яратиш ёки тақсимлаш билан боғлиқ ҳар қандай шахс учун, асосий мақсад ёки асосий мақсадлардан бири бўлса, мазкур модданинг қоидалари қўлланилмайди.

11-модда. Фоизлар

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган фоизлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бундай фоизлар, дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда ана шу Давлатнинг қонунчилигига асосан ҳам солиққа тортилиши мумкин, бироқ агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, унда солиқ фоизлар ялпи миқдорининг 7 фоизидан ошмаслиги керак.

3. 2-банд қоидаларига қарамасдан бир Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат Ҳукуматига тўланадиган фоизлар биринчи айтиб ўтилган Давлатда солиққа тортилишдан озод этилади.

4. 3-банд мақсадларида «Ҳукумат» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Ўмон Султонлигига нисбатан:

(i) Ўмон Марказий банки;

(ii) Бош Давлат резерв фонди;

(iii) Ўмон инвестиция фонди; ва

(iv) Аҳдлашувчи Давлатлар ваколатли органлари ўртасида вақти-вақти билан келишиладиган, Ўмон Султонлиги Ҳукуматига тўлалигича ёки асосан тегишли бўлган ҳар қандай бошқа юридик шахс ёки муассаса;

(b) Ўзбекистонга нисбатан:

(i) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

(ii) Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки;

(iii) ёки Аҳдлашувчи Давлатлар ваколатли органлари ўртасида келиши-лиши мумкин бўлган, ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш давлат муассасаси.

5. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда қарздорнинг фойдада иштирок этиш ҳуқуқлари мавжудлиги ва ипотека таъминотидан қатъи

назар, ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинадиган даромадларни, хусусан ҳукумат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар, облигациялар ва қарз мажбуриятларидан даромадлар, шу жумладан, мукофотлар ва ушбу қимматли қоғозлар, облигациялар ва қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган ютуқлар тушунилади. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарималар (неустойкалар) ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

6. Агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, фоизлар ҳосил бўлаётган бошқа Давлатда тижорат фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассаса орқали олиб бораётган бўлса ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талабномалари шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳам ҳақиқатан боғлиқ бўлса, 1 ва 2-бандлар қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

7. Фоизларни тўловчи Давлатнинг ўзи, маҳаллий ҳокимият органлари ёки шу Давлатнинг резиденти бўлса, фоизлар ўша Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ фоизларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса, шу туфайли қарз мажбуриятидан фоизлар тўлаш мажбурияти вужудга келган бўлса ва бу доимий муассаса ёки доимий база тўлаш бўйича харажатларни амалга оширса, бунда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган деб ҳисобланади.

8. Агар тўловчи билан фоизларнинг ҳақиқий эгаси бўлган шахс ўртасидаги ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида қарз талабига тааллуқли фоизлар суммаси тўловчи билан амалда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган суммага нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

9. Агар бундай яратиш ва тақсимлаш орқали мазкур модда имтиёзларидан фойдаланиш унга нисбатан фоизлар тўланадиган қарз мажбуриятларини яратиш ёки тақсимлаш билан боғлиқ, ҳар қандай шахс учун, асосий мақсад ёки асосий мақсадлардан бири бўлса, мазкур модданинг қоидалари қўлланилмайди.

12-модда. Роялти

1. Аҳдлашувчи Давлатнинг бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бу роялтилар қаерда юзага келган бўлса, ўша Аҳдлашувчи Давлатда ҳам унинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, би-

роқ агарда роялтининг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, ушбу ҳолатда ундириладиган солиқ роялти ялпи миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси ушбу моддада қўлланганда ҳар қандай адабий, санъат ва илмий асарларни, шу жумладан компьютер дастури, кинофильмлар, радио ва телевидение учун ёзувлар ёки дисклар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки моделлар, схема, махфий формула ёхуд жараёнлар ёки ҳар қандай саноат, тижорат ёки илмий ускунадан фойдаланганлик учун ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли бўлган ҳар қандай муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки шу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ҳақ тарзида олинадиган ҳар қандай кўринишдаги тўловларни билдиради.

4. Агар роялтиларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўла туриб, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса ва роялти тўланаётган ҳуқуқ ёки мол-мулк (а) шундай доимий муассаса ёки доимий база билан; (б) 7-модданинг 1-бандидаги (с) — бандида кўрсатилган тадбиркорлик фаолияти билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, мазкур модданинг 1-ва 2-бандлари қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари вазиятга қараб қўлланилади.

5. Агар тўловчи Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, роялти шу Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ, роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса ва бу доимий муассаса ёки база тўлаш бўйича харажатларни амалга оширса, унда бундай роялтилар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан амалда роялти ҳуқуқига эга шахс ўртасидаги ёки уларнинг иккаласи ва бошқа бирон-бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида роялтидан фойдаланишга тааллуқли ҳуқуққа ёки ахборот учун тўланадиган роялтининг суммаси тўловчи ва амалда шу даромадларни олиш ҳуқуқига эга шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган суммага нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

7. Агар бундай яратиш ва тақсимлаш орқали мазкур модда имтиёзларидан фойдаланиш унга нисбатан роялти тўланадиган ҳуқуқларни яратиш ёки тақсимлаш билан боғлиқ ҳар қандай шахс учун, асосий мақсад ёки асосий мақсадлардан бири бўлса, мазкур модданинг қоидалари қўлланилмайди.

13-модда. Капитал қийматининг ўсиши

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг 6-моддада кўрсатилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни бошқа шахсга беришдан оладиган даромадлари ўша бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий муассасаси тижорат мулкнининг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни бошқа шахсга беришдан олган ёки бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишида фойдаланиши мумкин бўлган доимий базасига тааллуқли кўчар мулкни бошқа шахсга беришдан олган даромадлари, жумладан ана шундай доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) ёки шундай доимий базани бошқа шахсга беришдан олган даромадлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемаларини, автомобиль ёки темир йўл воситаларини ёки шундай денгиз ёки ҳаво кемаларидан, автомобиль ёки темир йўл воситаларидан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулкни бошқа шахсга беришдан оладиган даромадлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

4. 1, 2 ва 3-бандларда санаб ўтилмаган ҳар қандай бошқа мол-мулкни ўзга шахсга беришдан олинадиган даромадлар мол-мулкни бошқа шахсга бераётган шахс резидент бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

14-модда. Мустақил шахсий хизматлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резиденти — жисмоний шахснинг касбий хизматларни кўрсатиш ёки мустақил тусдаги бошқа фаолиятдан оладиган даромадлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Истисно тариқасида, куйидаги ҳолларда бундай даромадлар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин:

(а) агар у ўз фаолиятини амалга ошириш учун бошқа Давлатда ўзи учун мунтазам қулай бўлган доимий базага эга бўлса, бундай ҳолда даромаднинг фақат шундай доимий базага тааллуқли бўлган қисмигина ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин; ёки

(б) агар унинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бўлиши ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошувчи давр ёки даврлар мобайнида давом этса, бундай ҳолларда даромаднинг фақат бошқа Давлатдаги фаолиятдан олинган қисмигина ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, хусусан, мустақил илмий, адабий, бадий, таълимий ва ўқитувчилик фаолиятларини, шунингдек шифокорлар, юристлар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар ва бухгалтерларнинг мустақил фаолиятини қамраб олади.

15-модда. Бандликдан даромадлар

1. 16, 18 ва 19-моддаларнинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёлланма ишга нисбатан оладиган маоши, иш ҳақи ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, агар ёлланма иш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Агар ёлланма иш шу тарзда бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган тақдирлаш ҳақлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Агар қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлса, 1-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма ишига нисбатан оладиган тақдирлаш ҳақлари фақат биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади:

(а) олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда кўриб чиқиладиган календарь йилида бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кўриб чиқиладиган ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида бўлиб турса; ва

(б) тақдирлаш ҳақи бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки ёлловчи номидан тўланадиган бўлса; ва

(с) тақдирлаш ҳақи бўйича харажатларни ёлловчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ўз зиммасига олмаса.

3. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг иш берувчиси денгиз ёки ҳаво кемалари бортида амалга ошириладиган ёлланма иш учун оладиган тақдирлаш ҳақлари ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

16-модда. Директорларнинг гонорарлари

Директорларнинг гонорарлари ва бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания Директорлар Кенгашининг ёки унинг шунга ўхшаш бошқа органлари аъзоси сифатида оладиган шунга ўхшаш бошқа тўловлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

17-модда. Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 14 ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шахсий фаолиятдан оладиган даромадлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи амалга оширган шахсий фаолиятдан олинмайдиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ёзилган ҳолатда, бу даромад 7, 14 ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

3. Агар биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатга бўлган ташриф

тўлалигича бошқа Ахдлашувчи Давлатнинг жамоат фондлари, маъмурий-худудий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маблағ билан таъминланса, 1 ва 2-бандларнинг қоидалари Ахдлашувчи Давлатда санъат ходимлари ёки спортчилар томонидан амалга оширилаётган фаолиятдан олинadиган даромадга тааллуқли бўлмайди. Шундай ҳолларда даромад фақат ушбу санъат ходими ёки спортчи резиденти бўлган Ахдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

18-модда. Нафақалар ва ижтимоий ҳимоя бўйича тўловлар

1. 19-модданинг 2-банди қоидаларини ҳисобга олиб аввалги ёлланма иш учун Ахдлашувчи Давлат резидентига компенсация сифатида тўланадиган нафақа ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

2. Ахдлашувчи Давлатлардан бирининг ижтимоий ҳимоя тизими бир қисми ҳисобланган ижтимоий чизма бўйича тўланадиган нафақалар ва бошқа тўловлар 1-банд қоидаларига қарамасдан фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

19-модда. Ҳукумат хизмати

1. (а) Ахдлашувчи Давлат ёки юридик шахс ёки маъмурий-худудий бўлинма ёхуд маҳаллий ҳокимият органи томонидан ана шу Давлатга ёки шахсга кўрсатган хизматлари учун жисмоний шахсга тўланадиган, нафақадан ташқари, иш ҳақи, мукофот ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

(б) Бироқ агар хизмат ана шу Давлатда амалга оширилса, ва жисмоний шахс ана шу Давлатнинг резиденти бўлса, агар:

(i) ана шу Давлатнинг миллий шахси бўлса; ёки

(ii) шу хизматни амалга ошириш мақсадидагина ана шу Давлатнинг резиденти бўлиб қолмаса, бундай иш ҳақи, мукофот ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари фақат ана шу Ахдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

2. (а) Давлат ёки у томонидан ташкил этилган жамғармалардан ёки маъмурий-худудий бўлинма ёхуд маҳаллий ҳокимият органи томонидан тўланадиган ҳар қандай пенсия, шу Давлатга ёки маъмурий-худудий бўлинма ёхуд маҳаллий ҳокимият органига кўрсатилган хизматлар шу Давлатда солиққа тортилади.

(б) Бироқ агар жисмоний шахс ана шу Давлатнинг резиденти ва миллий шахси бўлса, шундай пенсия фақат бошқа Ахдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. 15, 16, 17 ва 18-моддаларнинг қоидалари Ахдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ кўрсатилган хизматларга нисбатан тўланадиган иш ҳақи, мукофот ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақларига нисбатан татбиқ этилади.

20-модда. Профессорлар ва илмий ходимлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган шахс бевосита бошқа Давлатга ташрифидан олдин ва ҳар қандай маъқулланган университет, коллеж, мактаб ёки бошқа шу каби таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот муассасаси таклифномаси бўйича шу бошқа Давлатга келган санадан бошлаб икки йилдан ошмайдиган муддат мобайнида фақат ушбу таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот муассасасида ўқиш ва /ёки илмий изланиш мақсадида ташриф буюрганда, ушбу бошқа Давлатда бундай ўқиш ва илмий тадқиқотдан ҳар қандай тақдирлашлар солиқдан озод этилади.

2. 1-банддаги «маъқулланган» атамаси Аҳдлашувчи Давлат томонидан унда жойлашган университет, коллеж, мактаб ёки бошқа шу каби таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот муассасаси маъқулланишини билдиради.

3. Агар илмий тадқиқот аввало алоҳида шахс ёки шахсларнинг шахсий фойдаси учун амалга оширилса, бундай илмий тадқиқотдан келадиган даромадларга нисбатан мазкур модда қоидалари қўлланилмайди.

21-модда. Талабалар ва стажёрлар

1. Аҳдлашувчи Давлатга келгунга қадар бевосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланиб турган ёки бўлган ва биринчи эслатилган Давлатда фақат ўқиш ёки маълумот олиш мақсадидагина яшаб турган талаба, амалиётчи ёки стажёрнинг яшаш, ўқиш ёки маълумот олиш учун мўлжалланиб оладиган тўловлари ана шу Давлатда, агарда бундай тўловлар шу Давлат ҳудудидан ташқаридаги манбалардан пайдо бўлса, солиққа тортилмайди.

2. 1-банд билан қамраб олинмаган ёлланма меҳнатдан грантлар, стипендиялар ва мукофотларга нисбатан 1-бандда кўрсатилган талаба, амалиётчи ёки стажёр (тажриба орттирувчи) у ташриф буюрган давлат резидентларига тегишли бўлган солиқларга нисбатан бундай озод этишлар, чегирмалар ва айириб ташлашлар бўйича қўшимча ҳуқуққа эга.

22-модда. Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Битимнинг олдинги моддаларида айтиб ўтилмаган даромад турлари, даромаднинг қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 6-модданинг 2-бандида кўрсатилган кўчмас мулкдан олинган даромаддан ташқари, даромадларга нисбатан, агарда бундай даромад эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали ўз фаолиятини амалга оширса ёки ўша бошқа Давлатда мустақил шахсий хизматларни у ерда жойлашган доимий база орқали амалга оширса ва даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса ёки база билан боғланган бўлса, 1-банд қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари вазиятга қараб қўлланилади.

3. 1 ва 2-бандлар қоидаларига қарамасдан, Аҳдлашувчи Давлат резиденти

дентининг мазкур Битимнинг айтиб ўтилган моддалари билан боғлиқ бўлмаган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган даромади турлари, шунингдек шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

IV-боб. Капитални солиққа тортиш

23-модда. Капитал

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган, 6-моддада кўрсатилган кўчмас мулкдан иборат бўлган капитал ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси тижорат мулкининг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкдан, ёхуд мустақил шахсий хизматларни бажариш мақсадида Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойдаланадиган доимий базасига тааллуқли кўчар мулкдан иборат бўлган капитал ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Битта Аҳдлашувчи Давлат корхонасига тегишли бўлган халқаро юк ташишларда фойдаланадиган денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ёки автотранспорт воситаси ҳамда шундай денгиз ва ҳаво кемалари, темир йўл ёки автотранспорт воситаларидан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулк тарзидаги капитал фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти капиталининг бошқа барча элементлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

V-боб. Икки ёқлама солиқ солишни бартараф этиш усуллари

24-модда. Икки ёқлама солиқ солишни бартараф этиш

1. Бир Давлатнинг резиденти ушбу Битим қоидаларига мувофиқ бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки капиталга эга бўлса, унда биринчи эслатиб ўтилган Давлат:

(а) ушбу резидентнинг даромадидан олинadиган солиқдан бошқа Давлатда тўланган даромад солиғига тенг қийматни чегириб ташлаши;

(б) шу бошқа Давлатда тўланган, ушбу резидентнинг капитал солиғига тенг суммани чегириб ташлаши лозим.

Бундай чегирма ҳар қандай ҳолларда ҳам вазиятга кўра бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки капитал тааллуқли чегирма тақдим қилинганга қадар ҳисоблаб чиқиладиган даромад ёки капиталдан олинadиган солиқ қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Битимнинг бошқа бирон-бир қоидасига мувофиқ Давлат резиденти оладиган даромад ёки мол-мулк у эга бўлган мол-мулк шу Давлатда солиққа тортишдан истисно этилса, бу Давлат шунга қарамай бу резидентнинг даромади ёки мол-мулкининг қолган қисмини солиққа тортиш қийматини ҳисоблаб чиқишда истисно этилган даромад ёки мол-мулкни ҳисобга олиши мумкин.

VI-боб. Махсус қоидалар

25-модда. Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий шахслари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда шу бошқа Давлат миллий шахсларига айнаи бир хил шароитларда шу жумладан, резиденцияга нисбатан ёки солиниши мумкин бўлгандан ортиқ ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга, солиққа тортишдан кўра оғирроқ унга алоқадор ҳолларга дучор қилинмайдилар. Бундай қоида, шунингдек 1-модда қоидаларидан қатъи назар, бир ёки иккала Томон Давлатлари резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш ушбу бошқа Давлатда айнан шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни солиққа тортишдан кўра ёмонроқ бўлмайди. Ушбу қоида бир Аҳдлашувчи Давлатни бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентини солиққа тортиш бўйича ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мавқеи ёки оилавий шароити асосида берадиган қандайдир шахсий имтиёзлар, озод қилишлар ёки чегирмалар беришга мажбурловчи тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган фуқаролиги йўқ шахслар ҳар қандай Аҳдлашувчи Давлатда айнаи бир хил шароитларда шу жумладан, резиденцияга нисбатан ёки солиниши мумкин бўлгандан ортиқ ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга тортилмайди, солиққа тортишдан кўра бошқа ёки мушкулроқ ёки унга алоқадор ҳолларга дучор қилинмайдилар.

4. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 8-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланиладиган ҳолларни истисно қилиб, Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига бундай корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлаш мақсадида тўлайдиган фозилари, роялти ва бошқа товонлари, биринчи эслатилган Давлат резидентига тўлангани каби, худди шундай шартларга мувофиқ чегириб ташланади. Худди шунингдек, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига бўлган ҳар қандай қарзлари ушбу корхонанинг солиққа тортиладиган капиталини аниқлаш мақсадида — биринчи эслатиб ўтилган Давлат резидентининг қарзларини ҳисобга олгандек шароитда ҳисоб-китоб қилиб чиқиши лозим.

5. Капитали тўлиқ ёки қисман бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган ёки бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонаси биринчи эслатилган Давлатнинг шундай корхоналарига солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки унга алоқадор мажбуриятларга ёки солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга дучор қилинмайди.

6. Ушбу модда қоидалари мазкур Битим доирасидаги солиқларга нисбатан қўлланилади.

26-модда. Ўзаро келишув тартиби

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатларидан бири ёки ҳар иккаласининг ҳаракати унга ушбу Битим қоидаларига мувофиқ келмайдиган солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин, деб ҳисобласа, у ушбу Давлатларнинг ички қонунларида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини ўзи резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ёки агарда унинг ҳолати ушбу Битимнинг 23-моддаси 1-бандига мувофиқ келса, ўзи миллий шахси бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига тақдим этиши мумкин. Бу ариза ушбу Битим қоидаларига номувофиқ келадиган солиққа тортишга олиб келувчи ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор билдирилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида берилиши керак.

2. Ваколатли орган унинг эътирозини асосли деб топса, аммо ўзи қониктирадиган қарорга кела олмаса, масалани ушбу Битимга мувофиқ келмайдиган солиққа тортилишдан қочиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал этишга ҳаракат қилади. Эришилган ҳар қандай келишув Аҳдлашувчи Давлатлари ички қонунларидаги ҳар қандай вақт чеклашларига қарамай амалга оширилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органлари ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ёки шубҳаларни ўзаро келишув асосида ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Улар икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик мақсадида Битимда назарда тутилмаган ҳолатлар юзасидан ҳам бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъноларини тушунишда ҳамфикрликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлиб туришлари мумкин.

27-модда. Ахборот алмашиш

1. Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини ёки Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан олинадиган солиқларнинг ҳар қандай тури ва кўринишига тегишли ички қонунларини қўллаш учун ушбу қонунлардан ушбу Битимга зид тушмайдиган даражада фойдаланиш учун зарур ахборотларни алмашиб турадилар. Аҳдлашувчи Давлат томонидан шу тарзда олинган ҳар қандай ахборот, мазкур Давлатнинг ички қонунларига мувофиқ фойдаланиладиган маълумот даражасида махфий ҳисобланади ҳамда фақат аниқлаш, ундириш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш билан ёки мазкур Битимга тегишли бўлган солиқларга нисбатан апелляцияларни кўриб чиқиш билан боғлиқ шахслар ёки органларга (шу жумладан, судлар ва маъмурий органларга) очилади. Бундай шахслар ёки органлар ахборотдан фақат ана шундай мақсадларда фойдаланадилар. Улар ушбу ахборотни очиқ суд мажлисида ёки юридик қарор қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолатда ҳам 1-банд қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлардан

бирининг зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юкловчи қоидалар сифатида талқин қилинмайди:

(а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунлари ёки одатдаги маъмурий амалиётига зид бўлган маъмурий чоралар ўтказиш;

(б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунларига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиётига мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш;

(с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сирини ёхуд савдо жараёнини очиб берувчи ахборотни ошкор қилиш жамоат тартибига зид келиши мумкин бўлган ахборотни тақдим этиш.

28-модда. Дипломатик агентлар ва консулхона хизматчилари

Мазкур Битимнинг ҳеч бир қоидаги дипломатик агентлар ёки консулхона хизматчиларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ тақдим этилган солиққа доир имтиёзларига даҳл қилмайди.

29-модда. Қўшимчалар

Аҳдлашувчи Давлатларнинг ўзаро келишувига биноан мазкур Битимга қўшимчалар баённома йўли билан киритилиши мумкин, баённома мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у кучга кириши учун Аҳдлашувчи Давлатларнинг қонунчилигида белгиланган барча тартибларни бажариш талаб этилади.

30-модда. Баённома

Илова қилинувчи Баённома мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VII-боб. Яқуний қоидалар

31-модда. Кучга кириши

1. Аҳдлашувчи Давлатларининг ҳар бири ушбу Битимнинг кучга кириши учун миллий қонунчиликка мувофиқ талаб этиладиган тартиблар бажарилганлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали бир-бирларини хабардор қиладилар. Ушбу Битим ана шундай хабарномалардан охиригиси олинган кундан бошлаб кучга киради ва шундан кейин қўйидагиларга нисбатан амал қилади:

(а) мазкур Битим кучга кирадиган йилдан кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейин тўланадиган даромад манбаларидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

(б) ушбу Битим кучга кирадиган йилдан кейинги тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейинги ҳар бир солиққа тортиш йилида даромад ва капиталдан олинадиган бошқа даромад солиқлари ва капитал солиқларига нисбатан.

32-модда. Амал қилишини тугатиш

Ушбу Битим бир Аҳдлашувчи Давлат унинг амал қилишини тугатишига қадар ўз кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Битимнинг амал қилишини Битим кучга кирган санадан кейин беш йил ўтгач, исталган тақвимий йилнинг тугашидан қаида олти ой аввал дипломатик каналлар орқали амал қилишини тугатиш тўғрисида хабарнома бериш орқали тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолатда Битимнинг амал қилиши:

(а) амал қилишини тугатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу тақвимий йилнинг бундай санасидан кейин олинган даромад манбаидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

(б) амал қилишини тугатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан ёки шу санадан кейин бошланадиган ҳар бир тақвимий йилда солиққа тортиладиган даромад ва капиталдан олинадиган бошқа даромад солиқлари ва мол-мулк солиқларига нисбатан тугатилади.

Ушбунни тасдиқлаб, бунга тегишли тартибда ваколат берилган қўйидаги имзо чекувчилар ушбу Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 30 мартда, Ҳижрий 1430 3 рабиъа сани кунида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Талқин этишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва
Италия Республикаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий
ҳимоя қилиш вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт
фани соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Тошкент, 2009 йил 1 апрель

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Италия Республикаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар),

соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасини ривожлантириш мақсадида,

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўзаро манфаатдорлик ва тенгҳуқуқлилик асосида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашадилар.

2-модда

Томонлар ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларини устувор деб келишиб олдилар:

— соғлиқни сақлаш ва тиббиёт муассасалари ўртасида икки томонлама алоқаларни ўрнатиш, шу жумладан — хирургия, онкология, урология, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, шошилиқ тиббий ёрдам, бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ҳамда санитар-эпидимологик назорат соҳасида;

— амалдаги Ҳамкорлик иш режасига асосан, ва ушбу Меморандумнинг 4 ва 6-моддаларига биноан, ўқитиш, стажировка ва тажриба алмашиш мақсадида мутахассислар алмашинувини амалга ошириш;

— соғлиқни сақлаш соҳасига оид маълумот ва ҳужжатлар алмашинувини ўзаро манфаатдорлик асосида олиб бориш;

— технологик ва ташкилий инновацияларни яхшилашга қаратилган имкониятларни аниқлаш;

— янги фармацевтик воситалар ва асбоб-ускуналар, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасига оид технологик ривожланиш йўналишлари бўйича маълумот алмашинуви;

— расмий делегациялар ташрифларини амалга ошириш;

— ҳамкорликда илмий анжуманлар ташкил этиш;

— соғлиқни сақлаш соҳаси ва тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорликнинг ўзаро келишилган бошқа шакллари.

3-модда

Томонларнинг ваколатли органлари соғлиқни сақлаш соҳаси ва тиббиёт фанига оид тиббий адабиётларнинг маълум рўйхати, ҳамда аудиовизуал материаллари билан алмашадилар.

4-модда

Ушбу Ўзаро англашув Меморандумининг мақсадларини амалга оширишни кўзлаган ҳолда, Томонлар бажарилаётган фаолиятни тасвирлаб, Ҳамкорлик иш режасини унга мослаштирадилар.

5-модда

Ушбу Ўзаро англашув Меморандумида келтирилган фаолият Томонларнинг бюджетларидаги мавжуд маблағларига асосан амалга оширилади.

Экспертлар, олимлар расмий делегациялари хизмат сафарларини маб-

лаф билан таъминлаш учун, ушбу Ўзаро англашув Меморандумининг 2 ва 6-моддаларга мувофиқ, юборувчи томон икки давлат ўртасидаги бориш ва келиш чипталари билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олади.

Қабул қилувчи томон амалдаги қонунларга асосан, давлат ичидаги транспорт ва меҳмонхонада яшаш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олади.

6-модда

Томонлар ҳамкорлик доирасидаги устувор йўналишларни кўриб чиқувчи, ҳамда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорлик Иш режасини ишлаб чиқувчи-мониторинг ва мувофиқлаштириш бўйича Комитет тузадилар, бу Комитет ҳамкорликнинг бориши ҳақида Томонларга ахборот бериб туради.

Комитет аъзолари, раисдан ташқари, ҳар иккала Томондан 3 кишидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги юқори лавозимдаги шахс бошқаради.

Ушбу гуруҳ Томонларнинг келишувига асосан, 1 йилда бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда йиғилиб, унда томонларнинг белгиланган турли йўналишлардаги экспертлари иштирок этишлари мумкин.

7-модда

Ушбу Ўзаро англашув Меморандуми ва унда қайд этилган тадбирлар Томонларнинг амалдаги қонунлари асосида амалга оширилади.

Томонлар ҳамкорликни ўзаро тенгҳуқуқлилиқ, манфаатдорлик, натижаларни тақсимлаш ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, халқаро қонунлар ва амалиёт асосида олиб борадилар.

8-модда

Ушбу Ўзаро англашув Меморандуми имзоланган кундан кучга киради.

Ўзаро англашув Меморандуми 5 (беш) йиллик муддатга тузилади ва агар Томонлардан ҳеч бири уни бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда дипломатик каналлар орқали, унинг тугалланиши муддатидан 6 (олти) ой илгари бошқа Томонни хабардор қилмаса, Ўзаро англашув Меморандуми автоматик равишда кейинги шундай муддатларга узайтирилади.

9-модда

Ушбу Ўзаро англашув Меморандуми Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин.

Ўзаро англашув Меморандумининг барча кўринишдаги ўзгаришлари, ушбу ўзгаришлар учун зарур деб ҳисобланган тегишли тадбирлар бажарилиши орқали амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 1 апрелда икки асл нусхада ўзбек, италян ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга. Ўзаро анг-

лашув Меморандуми матнини изоҳлашда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устуворлик қилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида «Ўзбекистонда
Илмий-техникавий адабиётларнинг комплекс электрон
кутубхона тизимини яратиш» лойиҳасини
амалга ошириш тўғрисида
БИТИМ***

Тошкент, 2009 йил 27 апрель

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

1992 йил 17 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида «Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимнинг 3-моддасига мувофиқ,

шунингдек, ҳамкорликдаги техникавий лойиҳаларнинг тизимли ва самарали бажарилишини таъминлаш йўли билан икки мамлакат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. «Ўзбекистонда илмий-техникавий адабиётларнинг комплекс электрон кутубхона тизимини яратиш» лойиҳасини (бундан кейин — «Лойиҳа») амалга ошириш мақсадида, Корея Республикаси Ҳукумати Корея Республикаси қонунчилигига мувофиқ, шунингдек, чекланган бюджет маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига 2 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда грант тақдим этади (бундан кейин — «Грант»).

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Грантдан айнан Ўзбекистонда илмий-техникавий адабиётларнинг комплекс электрон кутубхона тизимини яратиш мақсадида фойдаланади.

3. Корея Республикаси Ҳукумати Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлигини (бундан кейин — «КОИСА») Лойиҳани амалга оширишга қўмаклашишга оид зарурий ишларни бажарувчи масъул ташкилот сифатида тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини (бундан кейин — «Агентлик») Грантдан мақсадли фойдаланишни амалга оширувчи масъул ташкилот сифатида тайинлайди.

* Имзоланган кундан кучга кирган

КОИСА ва Агентлик Лойиҳа бажарилиши тафсилотлари тўғрисида мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Музокаралар баённомасини имзолайдилар.

4. (1) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қуйидаги зарур чора-тадбирларни кўради:

а) Грант доирасида келтириладиган асбоб-ускуналар ва материалларни ўз вақтида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ичида транспорт орқали ташувни таъминлаш;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида Грант ҳисобидан келтириладиган асбоб-ускуналар ва материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ҳамда Ўзбекистон ҳудудида сотиб олиннадиган товар, иш ва хизматларга қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) ўрнатилган тартибда озод этиш;

в) КОИСА билан имзоланган шартномаларга мувофиқ лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи Корея фуқароларини Ўзбекистон Республикасида уларнинг даромадлари ва молк-мулкига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган божхона тўловлари, ички солиқлар ва бошқа тўловлардан озод этиш;

г) (в) бандда қайд этилган Корея фуқароларига лойиҳа доирасида КОИСА билан тузилган шартномаларга мувофиқ ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасига кириш ва унда бўлиш учун лозим бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш;

д) Лойиҳани самарали амалга ошириш учун Грант доирасида келтирилган асбоб-ускуналар ва материаллар бутлигини таъминлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишини кафолатлаш; шунингдек,

е) Грант асосида қопланадиган харажатлардан ташқари, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатларни қоплаш.

(2) Грант доирасида тақдим этилган асбоб-ускуналар ва материаллар Ўзбекистон Республикасидан реэкспорт қилиниши мумкин эмас.

5. Томонлар мазкур Битим билан боғлиқ ёки Лойиҳани амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

6. (а) Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради;

(б) Битим, агар Томонлардан бири навбатдаги муддат тугашидан олти (6) ой олдин иккинчи Томонни ёзма равишда дипломатик каналлар орқали Битимни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирмаса, 2009 йил 31 декабргача амал қилади;

(в) Битимнинг муддатидан олдин тўхтатилиши Лойиҳани тугалланишига олиб келмайди, шунингдек, Битим муддатининг тугаши охирига етмаган Лойиҳани тугалланишига таъсир этмайди;

(г) Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Битимга дипломатик каналлар орқали алмашув ноталари шаклида расмийлаштирилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, ўз Ҳукуматлари томонидан тегишли ваколат олган қуйидаги имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

2009 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек,

корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида «Ўзбекистон
Республикаси Марказий давлат архивларини
ахборотлаштириш» лойиҳасини амалга
ошириш тўғрисида
КЕЛИШУВ***

Тошкент, 2009 йил 27 апрель

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

1992 йил 17 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида «Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимнинг 3-моддасига мувофиқ, шунингдек

ҳамкорликдаги техникавий лойиҳаларнинг тизимли ва самарали бажарилишини таъминлаш йўли билан икки мамлакат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. «Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини ахборотлаштириш» Лойиҳасини (бундан кейин — «Лойиҳа») амалга ошириш мақсадида, Корея Республикаси Ҳукумати Корея Республикаси қонунчилигига мувофиқ, шунингдек, чекланган бюджет маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига 3 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда грант тақдим этади (бундан кейин — «Грант»).

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Грантдан айнан Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини ахборотлаштириш ва уларда ҳужжатларнинг, шунингдек ўта қимматли тарихий ҳужжатларнинг электрон архивларини яратиш мақсадида фойдаланади.

3. Корея Республикаси Ҳукумати Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлигини (бундан кейин — «КОИСА») лойиҳани амалга оширишга қўмаклашиш-

* Имзоланган кундан кучга кирган.

га оид зарур ишларни бажарувчи масъул ташкилот сифатида тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзАрхив» агентлигини (бундан кейин — «ЎзАрхив») грант доирасида бериладиган асбоб-ускуналар ва материаллардан мақсадли фойдаланишни амалга оширувчи масъул ташкилот сифатида тайинлайди. КОИСА ЎзАрхив билан Лойиҳа бажарилишининг тафсилотлари тўғрисида мазкур Келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Музокаралар баённомасини имзолайдилар.

4. (1) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қўйидаги зарур чора-тадбирларни кўради:

а) Грант доирасида келтириладиган асбоб-ускуналар, материаллар ва транспорт воситаларини ўз вақтида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ичида транспортда ташишни таъминлаш;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида Грант ҳисобидан келтириладиган асбоб-ускуналар ва материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ҳамда Ўзбекистон ҳудудида сотиб олиннадиган товар, иш ва хизматларга қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) ўрнатилган тартибда озод этиш;

в) КОИСА билан имзоланган шартномаларга мувофиқ Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи Корея фуқароларини Ўзбекистон Республикасида уларнинг даромадлари ва молк-мулкига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган божхона тўловлари, ички солиқлар ва бошқа тўловлардан озод этиш;

г) бандда қайд этилган Корея фуқароларига Лойиҳа доирасида КОИСА билан тузилган шартномаларга мувофиқ ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасига кириш ва унда бўлиш учун лозим бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш;

д) Лойиҳани самарали амалга ошириш учун Грант доирасида келтирилган асбоб-ускуналар, материаллар, транспорт воситалари бутлигини таъминлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишини кафолатлаш; шунингдек,

е) Грант асосида қопланадиган харажатлардан ташқари, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш.

(2) Грант доирасида тақдим этилган асбоб-ускуналар, материаллар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасидан реэкспорт қилиниши мумкин эмас.

5. Томонлар мазкур Келишув билан боғлиқ ёки Лойиҳани амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

6. (а) Мазкур Келишув имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

(б) Келишув, агар Томонлардан бири навбатдаги муддат тугашидан олти (6) ой олдин иккинчи Томонни ёзма равишда дипломатик каналлар орқали Келишувни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирмаса, 2009 йил 31 декабргача амал қилади;

(в) Келишувнинг муддатидан олдин тўхтатилиши Лойиҳани тугалланишига олиб келмайди, шунингдек, Келишув муддатининг тугаши охирига етмаган Лойиҳани тугалланишига таъсир этмайди;

(г) Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Келишувга дипломатик каналлар орқали алмашув ноталари шаклида расмийлаштирилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, ўз Ҳукуматлари томонидан тегишли ваколат олган қўйидаги имзо чекувчилар мазкур Келишувни имзоладилар.

2009 йил 27 апрелда Тошкент шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Келишув қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан Миср Миллий
кутубхонаси ва архивлари ўртасида англашув
МЕМОРАНДУМИ***

Қоҳира, 2009 йил 5 май

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Миср Миллий кутубхонаси ва Архивлари, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида Қоҳира шаҳрида 2003 йил 6 ноябрда имзоланган Битим,

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб Республикаси Ҳукумати ўртасида 2007 — 2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисида Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда имзоланган Ижроия Протоколи доирасида,

қўйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ архив иши соҳасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга кўмаклашадилар.

2-модда

Томонлар ҳужжатлардан нусха олиш ва уларни таъмирлашда замона-

* Имзоланган кундан кучга кирган

вий технологиялардан фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш мақсадида мутахассислар алмашинувини келишадилар.

Таклиф этаётган Томон ўз давлатида мутахассиснинг тураржой харажатларини ўзига олади, мутахассисни юбораётган Томон эса, белгиланган жойгача бориш-келиш йўл харажатларини, шунингдек ушбу Меморандум доирасидаги бошқа харажатларни ўз зиммасига олади.

Томонлар ташрифлар дастури, шартлари ва муддатларини ташриф бошлангунича, 3 ойдан кечикмаган муддатда келишиш мажбуриятини оладилар.

3-модда

Томонлар архив иши бўйича ҳамкорликда конференциялар, семинарлар, ўқув курсларини уюштирадилар.

4-модда

Томонлар ҳужжатшунослик соҳасида архив ҳужжатларини сақлаш, сўнаётган матнларни тиклаш борасида ўзаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ўрганадилар.

5-модда

Томонлар ҳар иккала тарафнинг миллий архив фондини рақамли кўришишга ўтказиш соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганадилар.

6-модда

Мазкур Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга кириди ва уч йиллик муддатга амал қилади. Агар Томонлардан бири иккинчи Томонни муддат тугашига олти ой қолганда ёзма равишда огоҳлантирмаса, Меморандум кейинги уч йиллик муддатга автоматик равишда узайтирилади.

2009 йил 5 майда Қоҳира шаҳрида ҳар бири икки нусхада, матнлари тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди.

Агар Ушбу Меморандумни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги билан Миср Араб Республикаси Сув
ресурслари ва ирригация вазирлиги ўртасида
сув хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Қоҳира, 2009 йил 5 май

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Миср Араб Республикаси Сув ресурслари ва ирригация вазирлиги, бундан буён «Томонлар» деб аталадилар,

икки мамлакат ўртасида сув хўжалиги соҳасидаги биргаликдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш истагида,

сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг ўзаро англашувини янада оширишига бўлган ишончдан келиб чиққан ҳолда,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар, ҳуқуқлар, ўзаро фойда ва манфаатлар тенглиги тамойилига амал қилган ҳолда икки мамлакат ўртасида сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадилар.

2-модда

1-моддада кўрсатилган ҳамкорлик қуйидаги соҳаларда амалга оширилади:

1. Дренаж ва суғориш тармоқларини алмаштириш ва янгилаш бўйича замонавий технологиялар билан ўртоқлашиш.

2. Сувдан оқилона фойдаланиш ва суғориш тармоқларини мукамаллаштириш йўллари соҳасидаги тадқиқотлар билан ўртоқлашиш.

3. Сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар билан алмашиш.

4. Ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун биргаликда ўтказиладиган анжуман ва семинарлар ўтказиш.

5. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги тармоқларини ишлатиш тажрибаси ва потенциал имкониятларини ўрганиш учун икки мамлакат мутахассислари учун тренинг курсларини ташкил қилиш.

3-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияси доирасида ўз давлатларининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари вакиллари билан иборат Ишчи Гуруҳини ташкил қиладилар.

4-модда

Лойиҳа-қидирув ишларини бажариш ва гидротехник иншоотларни ҳамда

* Имзоланган кундан кучга кирган

суғориш-мелиорация тармоқларини барпо этиш, шунингдек Миср Араб Республикаси ҳудудида янги ерларга ишлов бериш ишларини амалга оширадиган Томонларнинг ваколатли идоралари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан — «Ўзсувхорижийқурилиш» республика ташқи иқтисодий корхонаси;

Миср Араб Республикаси Сув ресурслари ва ирригация вазирлигидан — Ирригация ва сув хўжалиги илмий-тадқиқот Маркази.

Миср Араб Республикаси ҳудудида лойиҳа-қидирув ишларини бажариш ва гидротехник иншоотларни ҳамда суғориш-мелиорация тармоқларини барпо этиш дастурларида «Ўзсувхорижийқурилиш» корхонасининг иштирок этишини Томонлар ўрнатилган тартибда қўллаб-қувватлайдилар.

5-модда

Тренинг, анжуманлар, семинар ва ташрифлар дастурларини молиялаштиришда йўллаётган Томон ҳаво транспортида халқаро йўналишларда учиб харажатларни кўтаради, қабул қиладиган Томон эса мамлакат ичидаги яшаш ва транспорт харажатларини қоплайди.

6-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу Меморандумга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7-модда

Ушбу Меморандум доирасидаги ҳамкорлик ҳар бир Томон давлатларининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ушбу Меморандум қоидалари Томонларнинг бошқа халқаро битимларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди.

8-модда

Меморандумни талқин қилиш ва қўллашга доир барча низолар икки Томоннинг ўзаро келишуви асосида музокаралар ва маслаҳатлашувлар асосида ҳал этилиши керак.

9-модда

Ушбу Меморандум у имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бирининг ушбу Меморандумни бекор қилиш нияти тўғрисида ёзма билдирув хатини иккинчи Томон олган кундан бошлаб 6 ой кучда қолади.

2009 йил 5 майда Қоҳира шаҳрида ҳар бири икки нусхада, матнлари тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди.

Агар Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея
Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик паспортга
эга фуқароларнинг визасиз сафар қилишлари тўғрисида
БИТИМ**

Тошкент, 2009 йил 11 май

*(Ушбу Битимнинг 8-моддасига асосан 2009 йил
10 июндан кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати,
бундан буён «Томонлар» деб аталувчилар,

икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик паспорт эгаларининг сафар қилишлари тартибларини энгиллаштиришга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Дипломатик паспортга эга бўлган ҳар бир Томон давлатининг фуқаролари визасиз бошқа Томон давлатининг ҳудудига кириш, чиқиш ва транзит ўтиб кетиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган шахслар бошқа Томон давлати ҳудудига кирган кунлардан бошлаб олтмиш (60) кундан ортиқ бўлмаган давр ичида визасиз бўлишлари мумкин.

3. Агар ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган шахслар бошқа Томон ҳудудида олтмиш (60) кундан ортиқ бўлишни режалаштирса, бундай ҳолда жўнатувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси виза олиш учун олдиндан ёзма мурожаат қилиши лозим.

2-модда

1. Ҳар бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудидаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига тайинланган ва амалдаги дипломатик паспортга эга бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида ўзларининг расмий фаолият юритиши даврида визасиз кириш, чиқиш ва транзит ўтиб кетиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Ушбу модданинг 1-бандида белгиланган қоидалар жўнатувчи Томоннинг амалдаги дипломатик паспортга эга бўлган дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасалари ходимларига ҳамроҳлик қилувчи турмуш ўртоғи, ота-оналари ва фарзандларига ҳам татбиқ этилади.

3-модда

Ушбу Битим татбиқ қилинадиган шахслар қабул қилувчи давлат қонун

ва қоидаларига риоя қилишлар ҳамда хорижий фуқароларнинг кириш, чиқиш ва бўлиш тартибларига амал қилишлари лозим.

4-модда

1. Ҳар бир Томон *persona non grata* деб ҳисоблайдиган, дипломатик паспорт эгасини унинг давлат ҳудудига кириши ёки бўлишини рад қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бундай рад қилиш кечиктирилмасдан дипломатик каналлар орқали бошқа Томонга хабар қилиниши лозим.

2. Ҳар бир Томон ушбу Битимни, қисман ёки тўлалигича жамоат тартиби, хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш сабаблари туфайли вақтинчалик чеклаш ёки унинг амалини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бундай чеклаш ёки тўхтатиб қўйишни татбиқ этиш ёки бекор қилиш тўғрисида бошқа Томон дипломатик каналлар орқали кечиктирилмасдан хабардор этилиши лозим.

5-модда

1. Томонлар ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб ўттиз (30) кун мобайнида дипломатик каналлар орқали ўзларининг амалдаги дипломатик паспортлари намуналари ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги маълумотлари билан алмашадилар.

2. Томонлар бир-бирларини ўзларининг дипломатик паспортларига оид киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар тўғрисида дипломатик каналлар орқали, у кучга киришидан ўттиз (30) кун илгари маълум қиладилар.

6-модда

Томонлар, ўзаро келишувга мувофиқ, ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ва ушбу Битимнинг 8-моддасида кўрсатилган тартибда кучга кирадиган қўшимча ва ўзгартишлар киритишлари мумкин.

7-модда

Ушбу Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келадиган ҳар қандай баҳс ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади.

8-модда

1. Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб ўттиз (30) кундан сўнг кучга кирилади.

2. Ушбу Битим номуайян муддатга тузилди ва у Томонлардан бирининг бошқа томонни мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти ҳақида ёзма равишдаги хабарномасини олган кундан тўқсон (90) кун ўтгач ўз кучини йўқотади.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, ўз Ҳукуматлари томонидан тегишли ваколат олган қуйидаги имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 11 май куни икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

МЕМОРАНДУМ*

о взаимопонимании между Министерством внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан и Министерством экономики знаний Республики Корея по сотрудничеству в развитии системы электронной торговли Узбекистана

Ташкент, 27 мая 2009 года

Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан (далее именуемое как «МВЭСИТ») и Министерство экономики знаний Республики Корея (далее именуемое как «МЭЗ»), далее вместе именуемые «Стороны», а по отдельности «Сторона», свидетельствуют о том, что:

желая содействовать развитию электронной торговли в Республике Узбекистан в масштабах всей страны с применением системы «единое окно», подтверждая значение введения электронной документации в международной торговле между Республикой Узбекистан и Республикой Корея, подтверждая важность электронной торговли и сетевой экономики для стимулирования развития глобальной экономики, в частности, для устойчивого роста мировой торговли,

достигнув общего согласия об усилении двухстороннего сотрудничества в сфере электронной торговли на основе принципов равноправия и взаимной выгоды,

договорились о нижеследующем:

Определение терминов

Для целей настоящего Меморандума о взаимопонимании (далее именуемый «МОВ»), если контекст не требует иного:

1. Термин «Сетевая Экономика» означает хозяйственную деятельность,

* Вступил в силу со дня подписания.

осуществляемую с помощью электронных сетей (цифровых телекоммуникаций). Технологически сетевая экономика представляет собой среду, в которой юридические и физические лица могут контактировать между собой по поводу совместной деятельности.

2. Термин «Система «Единое Окно» означает систему, позволяющую участникам международной торговли подавать типовую информацию или документы в одну инстанцию для выполнения обязательных требований экспортно-импортного регулирования. Если информация представлена в электронном виде, то часть данных необходимо подавать только один раз (определение СЕФАКТ ООН).

3. Термин «Электронная Торговля» означает совершение коммерческих сделок с использованием информационных сетей.

Статья 1

Сотрудничество в рамках МОВ будет осуществляться на принципах равноправия и взаимной выгоды.

Стороны в рамках МОВ будут развивать расширенное сотрудничество в области электронной торговли в соответствии с национальным законодательством Сторон.

Статья 2

Стороны определили следующие наиболее приоритетные направления дальнейшего сотрудничества:

1. поддержка различных направлений развития национальной электронной торговли Узбекистана;

2. стимулирование сотрудничества между коммерческими структурами Сторон в целях установления сети электронной торговли для электронного обмена различными документами и информацией, необходимыми для международных операций;

3. стимулирование двухстороннего роста электронной торговли с применением передового опыта;

4. сотрудничество в целях осуществления успешной электронной торговли между Узбекистаном и Кореей посредством обмена мнениями о стратегии развития Электронной торговли и основных факторах, влияющих на рост числа международных торговых операций на основе электронной торговли, между двумя странами, также посредством обмена информацией и мнениями касательно принятия или совершенствования соответствующих нормативно-правовых актов и системы Электронной торговли;

5. способствование в рамках МОВ установлению сотрудничества между правительственными организациями, исследовательскими институтами, ассоциациями и предприятиями обоих государств.

Статья 3

Стороны договорились определить Узбекский внешнеэкономический

информационно-коммерческий центр (далее именуемый как «УЗИНКОМ-ЦЕНТР») и Корейскую компанию Korea Trade Network Co., Ltd (далее именуемая как «КТNET») ответственными за реализацию положений настоящего МОВ.

Статья 4

Стороны будут регулярно консультироваться друг с другом по вопросам в области электронной торговли.

Стороны будут тесно сотрудничать для способствования международному сотрудничеству в целях продвижения сети электронной торговли.

Стороны будут стремиться содействовать обмену мнениями и возможному сотрудничеству между организациями, специализирующимися в электронной торговле в обеих странах.

Статья 5

Положения настоящего МОВ являются выражением намерения Сторон по сотрудничеству и оказанию содействия в дальнейшем развитии электронной торговли и не являются основанием для возникновения каких-либо обязательств в соответствии с национальными законодательствами Сторон.

Статья 6

В случае возникновения права на интеллектуальную собственность при сотрудничестве в рамках настоящего МОВ каждая Сторона обеспечит его разрешение в соответствии с национальным законодательством своего государства и с учетом принципов равноправия и взаимной выгоды.

В случае, если право на интеллектуальную собственность возникнет в результате совместной деятельности в рамках настоящего МОВ, раздел возникшего права на интеллектуальную собственность будет осуществляться Сторонами на основании дополнительных письменных договоренностей.

Статья 7

Ни одна из Сторон не должна раскрывать конфиденциальную или коммерчески важную информацию или знание, полученные в процессе реализации настоящего МОВ ни одному физическому или юридическому лицу без предварительного письменного согласия другой Стороны.

Статья 8

Все споры, возникающие в связи с применением и толкованием настоящего Меморандума, будут разрешаться между Сторонами путем переговоров и консультаций.

Статья 9

Настоящий МОВ заключается сроком на 5 (пять) лет и вступает в силу со дня его подписания.

Настоящий Меморандум будет продлеваться на следующий пятилетний период, если ни одна из Сторон за три месяца до истечения срока действия настоящего МОВ письменно не уведомит другую Сторону о своем намерении прекратить его действие.

В настоящий Меморандум по обоюдному согласию Сторон могут быть внесены изменения и дополнения в форме дополнительных протоколов, являющихся неотъемлемой частью настоящего МОВ.

Совершено в г. Ташкенте 27 мая 2009 года в двух экземплярах, каждый на русском, корейском и английском языках и при толковании текст МОВ на английском языке будет превалировать над остальными.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар
Давлат қўмитаси билан Бразилия Федератив Республикаси
Кончилик ва энергетика вазирлиги ўртасида минерал
ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Бразилия, 2009 йил 28 май

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Бразилия Кончилик ва энергетика вазирлиги (бундан буён «Томонлар» деб аталувчилар),

минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик қилиш заруриятини тан олган ҳолда,

Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига асосланиб,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар тенглик ва ҳамжиҳатлик принципларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ривожлантириш ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаш истагини билдирдилар.

2-модда

Томонлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантиради, мустаҳкамлайди ва кенгайтиради:

а) Томонлар давлатлари худудида ер ости бойликларини ҳамда нодир

* Имзоланган кундан кучга кирган.

ва тарқоқ металллар (тантал ва ниобий), таркибида темир мавжуд бўлган маъданлар, ярқирама тош хом ашёси ва кўрсатиб ўтилган фойдали қазилма конларини геологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида қўшма корхоналарни ташкил қилиш имкониятларини ўрганиш;

б) белгиланган тартибда ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан алмашиш;

в) минерал секторда эришилган илмий-техник ютуқлар тўғрисида нашр этилган ахборот билан алмашиш;

г) биргаликда анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ва кўргазмаларни ўтказиш;

д) ўзаро келишилган шартларда минерал секторда кадрларни ўқитиш дастурларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

е) мутахассислар билан алмашиш, ўзаро манфаатли масалалар бўйича учрашувлар ташкил қилиш;

ж) Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ҳамкорлик қилишнинг бошқа шакллари.

3-модда

Томонлар қўшма дастурлар ёки лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида алоҳида протоколлар тузадилар.

4-модда

Томонларнинг ваколатли шахслари мазкур Меморандум қоидаларига мувофиқ бир-бирларига тақдим этилган ҳар қандай ахборотлардан фойдаланишади, ахборотни тақдим этувчи Томоннинг бундай ахборотни чеклаш ёки ундан фойдаланиш ёки тарқатиш ҳуқуқини ўзида қолдириш тўғрисида олдиндан хабардор қилинадиган ҳоллар бундан мустасно.

5-модда

1. Томонлар мазкур Меморандум қоидаларини амалга ошириш мақсадида иккала Томоннинг вакилларида иборат Қўшма ишчи гуруҳларини ташкил қилиши мумкин.

2. Қўшма ишчи гуруҳи зарур ҳолларда ва келишувга кўра йиғилишлар ўтказилади.

3. Томонлар ушбу Меморандумни амалга оширишга доир харажатларни, шунингдек ўз мутахассис, маслаҳатчи, эксперт ва Қўшма ишчи гуруҳлар аъзоларини жўнатиш билан боғлиқ харажатларни мустақил равишда коплайди.

6-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра мазкур Меморандумга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7-модда

Мазкур Меморандумни қўллаш ва талқин қилишда юзага келадиган барча келишмовчиликлар дўстона музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этилади.

8-модда

Мазкур Меморандум имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил давомида амал қилади.

Мазкур Меморандумнинг амал қилишини тўхтатилиши, амал қилган даврда келишилган дастурлар ёки лойиҳаларнинг бажарилишига дахл қилмайди.

Бразилия шаҳрида 2009 йил 28 май куни икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, португал ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Бразилия Федератив
Республикаси Ривожлантириш, саноат ва ташқи савдо
вазирлиги ўртасида савдо ва инвестицияларни
рағбатлантириш тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Бразилия, 2009 йил 28 май

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Бразилия Федератив Республикаси Ривожлантириш, саноат ва ташқи савдо вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш истагида, ва

Ўзаролик ва ўзаро манфаатлиликка асосланган янги ҳамкорлик соҳаларини ривожлантириш истаги мавжудлигини эътиборга олган ҳолда,

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда. Қўшма ишчи гуруҳ

Томонлар савдо ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма ишчи гуруҳ тузишни келишиб олдилар (бундан кейин «Ишчи гуруҳ» деб аталади).

2-модда. Мақсад

Ишчи гуруҳ икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, ишбилармон доиралар фаолиятини ривожлантириш мақсадида иккала давлатнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасида маълумотлар ва фикрлар алмашинувига кўмаклашиш, савдо ва инвестицияларни рағбатлантириш ва икки томонлама савдо операцияларини енгиллаштириш йўлида фаолият олиб боради.

3-модда. Йиғилишларни ўтказиш муддати

Ишчи гуруҳ ҳар йили камида бир маротаба ёки зарурият туғилганда навбатма-навбат Бразилияда ва Ўзбекистонда мазкур Меморандумни татбиқ этиш ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида йиғилишларини ўтказди.

4-модда. Ишчи гуруҳ аъзоси

1. Бразилия Федератив Республикаси ривожлантириш, саноат ва ташқи савдо вазири ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ёки улар томонидан тайинланган вакиллар Ишчи гуруҳга ҳамраислик қиладилар.

2. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир раиси Ишчи гуруҳ ишида қатнашиш учун давлат органи ва хусусий сектор вакилларини таклиф қилиши мумкин.

5-модда. Кун тартиби

1. Ишчи гуруҳ йиғилиши давомида ишбилармон доиралар фаолиятини ривожлантириш ҳамда савдо ва инвестицияларга кўмаклашиш билан боғлиқ мавзулар Ишчи гуруҳ томонидан муҳокама қилинади ва зарур ички маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг ҳар бир йиғилиш масалалари бўйича қарор қабул қилинади.

2. Томонлар Ишчи гуруҳнинг муҳокамасига савдо, инвестициялар ва икки томонлама ишбилармон доираларга тегишли масалаларни маълумот учун ёки илгари суриш учун киритиши мумкин.

3. Ишчи гуруҳ фақат шу соҳалар билан чекланмаган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, текстиль, кимё маҳсулотлари, автомобиль ва автомобиль эҳтиёт қисмлари, телекоммуникация жиҳозлари, офисларни автоматлаштирувчи асбоблар, электрон маҳсулотлар ва бошқа соҳаларда савдо ва инвестициявий имкониятларни ривожлантиришга эътибор қаратади.

**6-модда. Бошқа икки ва кўп томонлама йиғилишлар
билан мувофиқлаштириш**

Ишчи гуруҳ ўз фаолиятини Иқтисодий ва савдо соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиясининг йиғилишлари каби бошқа давлат ёки хусусий секторнинг икки ва кўп томонлама йиғилишлари натижалари билан мувофиқлаштиради.

7-модда. Яқунловчи қоидалар

1. Мазкур Меморандум имзолаган санадан бошлаб кучга киради ва чекланмаган муддатда амалда бўлади.

2. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ мазкур Меморандумга исталган вақтда ёзма равишда ва дипломатик каналлар орқали ўзгартишлар киритилиши мумкин.

3. Томонлардан ҳар бири исталган вақтда иккинчи Томонни мазкур Меморандумни бекор қилиш истаги ҳақида ёзма равишда ва дипломатик каналлар орқали хабардор қилиши мумкин. Тегишли хабарнома олинган кундан 90 кундан кейин ушбу Меморандум ўз кучини йўқотади.

4. Мазкур Меморандумни қўллаш ёки талқин қилишда юзага келадиган низолар Томонлар ўртасида дипломатик каналлар орқали тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Бразилиа шаҳрида 2009 йил 28 май куни икки нусхада ҳар бири ўзбек, португал ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Меморандумни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги билан Бразилия Федератив Республикаси
Спорт вазирлиги ўртасида
БИТИМ***

Бразилия, 2009 йил 28 май

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Бразилия Федератив Республикаси Спорт вазирлиги бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида, ва

Икки мамлакатнинг спорт соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш истагида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар ногиронлар учун турли хил махсус ўйинларнинг мураббийларини алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар.

2-модда

Томонлар спортни ривожлантириш дастурлари ва фаолиятлари бўйича икки етакчилар ўртасида ҳар йили бир ҳафталик тажриба алмашишни қўллаб-қувватлайдилар.

3-модда

Томонлар спортни ривожлантириш дастурлари доирасида ўтказиладиган лойиҳалар, дастурлар ва фаолиятларда иштирок этиш учун делегациялар алмашинувини илгари сурадилар.

4-модда

Томонлар спорт соҳасига тегишли бўлган замонавий илмий усуллар билан таништирилади ҳамда спортни амалда қўллаш, ногиронлар спорти билан боғлиқ бўлган экспертларнинг ташрифлари билан алмашинадилар.

5-модда

Томонлар миллий терма жамоаларининг ўзаро ташрифлари алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар, шу билан биргаликда, ўқув-семинарлар ва расмий мусобақалар билан алмашилиб, муайян федерациялар ўртасида, шунингдек ногирон спортчилар ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этадилар.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

6-модда

Иккала давлатнинг ваколатли органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг молиявий шартлари ижроий дастурга асосланиб мазкур Битимда кўрсатилган фаолиятларнинг амалга оширилиши бошланадиган сана белгиланади.

7-модда

Ушбу Битим имзоланган кундан кучга киради ва беш (5) йил муддатга тузилади ҳамда Томонларнинг бирортаси Битимнинг амал қилиш муддати тугашидан олти ой олдин уни бекор қилиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор этмаса, мазкур Битим амал қилиш муддати ўз-ўзидан яна беш йилга узайтирилади.

Бразилия шаҳрида 2009 йил 28 май куни икки асл нусхада, ҳар бир ўзбек, португал ва инглиз тилларида тузилди. Бунда барча матнлар бир хил кучга эга, Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги мати устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бразилия
Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм
соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Бразилия, 2009 йил 28 май

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар),
иккала мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида,

туризмнинг нафақат мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишида, балки ўзаро англашув ва ҳар икки мамлакат фуқаролари ўртасидаги биродарликни кучайтиришда муҳим омил эканлигини инобатга олган ҳолда,

иккала мамлакат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш заруриятини англаган ҳолда,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Имзоланган кундан кучга кирган.

1-модда

1. Томонлар икки мамлакат ўртасида ўзаро сайёҳлар алмашинувини яхшилаш мақсадида керакли чора-тадбирларни амалга оширадилар.

2. Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ, ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида, туризм саноатининг жадал ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштирадилар.

2-модда

Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ, туризм соҳасидаги ваколатли органлари ва тегишли ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирадилар. Бундай ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

(а) маълумот ва статистика алмашадилар;

(б) биргаликда фаолиятнинг чора-тадбирларини кўрадилар;

(в) икки мамлакат туризм соҳасида тажриба ва профессионаллик даражасини ошириш мақсадида туризмни яхшилаш ҳамда ривожлантириш фаолияти билан машғул бўлган мутахассислар ва техникларнинг ўзаро ташрифларини алмашадилар;

(г) Жаҳон Туризм Ташкилоти (ЖТТ) ва бошқа туризм соҳасига оид халқаро ташкилотлар доирасида ягона ёндошувга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

3-модда

1. Томонлар туризм соҳасининг ваколатли органлари ўртасида икки мамлакатдаги миллий қонунчилик, маданий ва табиий бойликларни сақлаш ҳамда химоялашга доир тартиб ва қоидалар, туристларнинг жойлаштирилиши, туристик агентликлар, маҳаллий ярмаркалар, фестиваллар ва кўргазмалар, келишувлар, конгресслар ва бошқа тадбирларга оид маълумотлар билан ўзаро алмашадилар.

2. Томонлар ўз мамлакатлари миллий қонунчилиги доирасида туризмни тарғибот қилишга доир ҳужжатлар ва материаллар билан ўзаро алмашиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

4-модда

1. Томонлар туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатлари хусусий секторлари ўртасида ҳамкорликни рағбатлантирадилар.

2. Томонлар туризм соҳасига ўзаро инвестициялар жалб қиладилар ва хорижий инвесторларга бериладиган инвестициявий имтиёзлар юзасидан маълумот алмашадилар.

5-модда

1. Ушбу Англашув Меморандумини амалга ошириш бўйича ваколатли органлар сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

(а) Ўзбекистон Республикаси номидан — «Ўзбектуризм» Миллий компанияси;

(б) Бразилия Федератив Республикаси номидан — Туризм вазирлиги.

2. Ушбу Англашув Меморандумида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Томонлар ўз мамлакатларининг ваколатли органлари вакиллари иштирокида дипломатик каналлар орқали зарур ҳолларда юзага келадиган масалаларни ҳал қилиш мақсадида учрашувлар ташкил қиладилар.

6-модда

1. Ушбу Англашув Меморандуми имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва муддати чекланмаган ҳолда амал қилади.

2. Томонларнинг ҳар бири исталган вақтда дипломатик каналлар орқали ёзма равишда ушбу Англашув Меморандумининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида хабарнома тақдим этиши мумкин. Бунда хабарнома олинган санадан тўқсон (90) кун ўткандан сўнг ушбу Англашув Меморандумининг амали тўхтатилган деб ҳисобланади.

3. Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ушбу Англашув Меморандумига дипломатик каналлар орқали ёзма равишда қўшимча ёки ўзгартишлар киритилиши мумкин.

4. Ушбу Англашув Меморандумини талқин қилишда ёки амалга татбиқ этишда юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида дипломатик каналлар орқали музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

Бразилия шаҳрида 2009 йил 28 май куни икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, португал ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Талқин этишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Бирлашган Араб
Амирликлари Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида иқтисодий
ҳамкорлик, савдо ва инвестициялар тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Тошкент, 2009 йил 11 июнь

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Бирлашган Араб Амирликлари Иқтисодиёт вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

улар ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш истагидан келиб чиқиб,

иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар орқали ҳисса қўшишни, ўз халқи учун фаровонликка эришишни мақсад қилиб,

маҳсулотлар, хизматлар ва ўзаро инвестициялар оқимини кучайтириш заруриятига қатъий ишониб,

иқтисодий, илмий ва саноатдаги ҳамкорлик, технологиялар етказиб бериш, савдо ва инвестиция учун етакчи тармоқларни қўллаб-қувватлаш аҳамиятини англаб,

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Томонлардан ҳар бирининг манфаатларини таъминлашини англаб,

қуйидагиларни келишиб олдилар:

1-модда

Ушбу Англашув Меморандумининг мақсади икки давлат ўртасида савдо, саноат, хизмат кўрсатиш ва инвестициялар соҳасида иқтисодий алоқаларини янада фаоллаштиришдан иборатдир.

2-модда

Томонлар ҳар икки давлатдаги иқтисодий маълумотларни алмашишга розилик билдирадилар. Шунингдек, ҳар икки Томон савдо, инвестиция, экспорт ва импортга оид қонунчилик бўйича ҳам маълумотларни алмашишга рози эканликларини изҳор қиладилар.

3-модда

Ҳар икки Томон ҳам 2008 йил март ойида икки давлат ўртасида имзоланган амалдаги иқтисодий Битимни амалга ошириш учун ўзаро фаолият юритишга розилик билдирадилар.

4-модда

Томонлар икки давлат хусусий секторлари ўртасидаги иқтисодий ва савдо

* Имзоланган кундан кучга кирган.

алоқаларини қўллаб-қувватлашга розилик билдирадилар. Томонлар икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантиришга ва уларга ҳомийлик қилишга рози эканликларини изҳор қиладилар.

5-модда

Томонлар иккала давлатдаги давлат ва хусусий компаниялар томонидан ўзаро инвестицияларни рағбатлантиришга розилик билдирадилар.

6-модда

Томонлар икки давлатдаги улкан савдо, саноат ва инвестиция имкониётларини тушуниб етадилар. Томонлар хусусий секторлар учун ишбилармонлар делегациялари алмашинувини ўзида мужассамлаштирган ўзаро танишув дастурларини яратиш ва савдо кўргазмаларини ташкиллаштириш учун икки давлатдаги Савдо-саноат палаталарини рағбатлантиришга розилик билдирадилар.

7-модда

Мазкур Англашув Меморандуми юридик мажбурий ҳисобланмайди ва халқаро ҳуқуқ доирасида ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни юкламайди.

8-модда

Ушбу Англашув Меморандуми Томонлар тарафидан имзолагандан сўнг кучга кирилади ва Томонлардан бири иккинчи Томонга олти ойлик муддатда ушбу Меморандумни тўхтатиш бўйича ёзма хабардор қилмагунга қадар, чекланмаган муддатда амалда бўлади.

9-модда

Томонлар ушбу Меморандумга исталган пайтда, ўзаро келишув асосида, ёзма равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 11 июнь куни икки нусхада ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Испаниянинг Саноат, Туризм ва Савдо вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ*

Тошкент, 2009 йил 3 июль

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Испаниянинг Саноат, Туризм ва Савдо вазирлиги, бундан кейин «имзо чекувчи Томонлар» деб аталувчилар,

икки мамлакат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожлантириш мақсадида, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда.

Туризм соҳасидаги алоқалар

Имзо чекувчи Томонлар ўз мамлакатлари иқтисодиётини кучайтириш ва миллий маданиятларини ўзаро тушуниш жараёнини яхшилаш мақсадида икки томонлама туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратадилар. Бу соҳада амалга ошириладиган барча саъй-ҳаракатлар иккала мамлакат қонунчилиги ва амалдаги халқаро битимлари асосида бажарилиши лозим.

2-модда.

Туризм секторлари ўртасидаги ҳамкорлик

Имзо чекувчи Томонлар давлат ва хусусий туризм секторлари ўртасида ҳамкорликни кучайтирадилар ва туризм соҳасини ривожлантириш, маркетинг, режалаштириш ва дам олиш масканларини яхшилаш мақсадида уюштирилдиган ўзаро мутахассислар ташрифларини рағбатлантириш имкониятларини ўрганиб чиқадилар.

3-модда.

Маълумот алмашиш

Имзо чекувчи Томонлар туризм саноатида сифат, доимий ривожланиш ва технологик янгиликларга оид ўзаро маълумот ва тажриба алмашинувини рағбатлантирадилар.

4-модда.

Туризм соҳасига инвестициялар жалб қилиш

Имзо чекувчи Томонлар ўз мамлакатлари хусусий секторлари ўртасида туризм соҳасига инвестициялар жалб қилишга қаратилган ҳамкорликни кучайтирадилар.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

Шу мақсадда имзо чекувчи Томонлар ўз мамлакатларида амалга оширилаётган туризм соҳасини ривожлантиришга оид дастурлар ҳамда ушбу дастурлар билан боғлиқ миллий ва халқаро фондлар ва молиявий жараёнлар юзасидан ўзаро маълумот алмашадилар.

5-модда.

Техник томонлар ва ўзаро мутахассислар ташрифлари

Имзо чекувчи Томонлар ўзаро мутахассислар ташрифларини уюштириш ва ўқув дастурларини ташкиллаштириш орқали ўзаро техник ёрдам бериш имкониятларини кўриб чиқадилар.

Бундан ташқари, имзо чекувчи Томонлар ўз мамлакатларида мавжуд туризмга оид грант дастурлари ҳамда бу соҳада малака ошириш бўйича ўқув курслари юзасидан маълумот алмашадилар. Бу каби дастурлар ва ўқув курсларида ҳар икки мамлакат вакилларининг иштирокини қўллаб-қувватлайдилар.

Шунингдек, имзо чекувчи Томонлар туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида туризмни жадаллаштириш, атроф-муҳитни сақлаш, туризм соҳасига оид ташкилий масалаларни ҳал этиш ва тарихий обидаларни таъмирлашга қаратилган ўзаро мутахассислар ташрифини уюштириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

6-модда.

Туризмни тарғиб қилиш

Ўз мамлакатларига туристларни жалб қилиш мақсадида имзо чекувчи Томонларнинг ҳар бири иккала мамлакатда ўтказиладиган кўرғазмалар, конгресс, савдо ярмаркалари, форумлар, семинарлар ва бошқа тарғибот анжуманларида ўз вакилларининг иштирокини рағбатлантирадилар.

7-модда.

Меморандумнинг бошқа келишувларга таъсири

Ушбу Англашув Меморандуми бошқа халқаро келишувларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди.

8-модда.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

Икки имзо чекувчи Томонлар розилиги билан ушбу Англашув Меморандумига қўшимча ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва мазкур Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9-модда.

Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва муддати тугатилиши

Ушбу Англашув Меморандуми имзоланган санадан бошлаб кучга киради

ва имзо чекувчи Томонларнинг бири Меморандумни вақтлироқ муддатда тугатиш истагини билдирмаса, беш йил давомида амал қилади. Агар имзо чекувчи Томонларнинг бири Меморандум муддати тугашидан олти ой олдин унинг фаолиятини бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани тақдим этмаса, ушбу Меморандум муддати ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узайтирилади.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 3 июлда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва испан тилларида тузилди.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Словакия Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
МЕМОРАНДУМ***

Братислава, 2009 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Словакия Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, бундан буён «Томонлар» деб аталувчилар,

1996 йил 21 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг ва кейинги барча ўзгартириш ва қўшимчаларининг қоидаларига асосланиб,

узоқ йиллик анъанавий иқтисодий муносабатларни инobatга олиб, тенглик ва ўзаро манфаат асосида ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва қўллаб-қувватлашга интилиб,

иқтисодий муносабатлар соҳасида, жумладан ўзаро товар айирбошланиши ва тақдим этилаётган хизматлар қўламини кўтариш учун йўналтирилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни эътироф этиб,

ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормалари ва принципларига амал қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар икки мамлакат манфаатлари йўлида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интиладилар.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

2-модда

Узоқ йиллик икки томонлама муносабатлар ва эришилган иқтисодий муносабатлар даражасини эътиборга олиб, Томонлар узоқ муддатлик асосида хусусан қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар:

- енгил саноат;
- энергетика, шу жумладан учинчи мамлакатлар бозорида ҳамкорлик;
- транспорт, шу жумладан транспорт воситалари;
- соғлиқни сақлаш ва фармацевтика саноати; химия ва нефть химияси саноати; газ саноати;
- электротехника саноати; қишлоқ хўжалик машинасозлиги;
- озик-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, шу жумладан қайта ишлаш саноати учун асбоб-ускуналар;
- тоғ-кон саноати;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- электростанцияларни замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш, шу жумладан электр ўтказиш сетларини;
- саноатда қурилиш ишлари соҳасида ҳамкорлик;
- туризм, инвестиция, инновация ва иқтисодий лойиҳаларни молиялаш-тариш;
- ярмаркалар, кўргазмалар ва семинарларда тақдимотлар қилиш ва савдо миссиялари ва тадбиркорлар бизнес форумларини ташкил этиш.

3-модда

Мазкур Меморандумнинг 2-моддасида белгиланган соҳаларда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Томонлар давлатларининг тегишли вазирликлари, ташкилотлари ва ишбилармон вакилларида ташкил топадиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Словакия Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Идоралараро Комиссия (келгусида — «Комиссия») тузилади.

4-модда

Комиссия йиғилишлари лозим бўлганда, навбатма-навбат Ўзбекистон Республикаси ва Словакия Республикасида ўтказилади. Комиссия ўзининг иш регламентини белгилайди.

Комиссия фаолияти билан боғлиқ масалалар Томонлар томонидан тайинланган раҳбарлар ёхуд уларни топшириғи билан тайинланган ваколатли ўринбосарлари томонидан иш давомида кўриб чиқилади.

Комиссия фаолияти билан боғлиқ харажатлар Томонларнинг ўзлари томонидан қопланади.

5-модда

1. Комиссия фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: ўзаро манфаатларни акс эттирувчи соҳаларда Томонларнинг иқтисодий ҳамкорлик дастурларини муҳокама қилиш;

кредит бериш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни молиялаштиришни таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

икки мамлакат субъектларининг Томонлар ҳудудларида ўтказиладиган халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши учун, шунингдек икки Томон мамлакатларининг Савдо-саноат палаталари ҳамкорлик қилиши учун тегишли шароитларни яратиш;

Томонлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ва икки мамлакатлар илмий-техникавий соҳадаги ютуқлари тўғрисида тегишли маълумотлар алмашинувига йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш.

2. Комиссия кооперация муносабатлари ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг бошқа шакллари ривожланишига қўмаклашади.

6-модда

Томонлар давлатлари хўжалик субъектлари мажбуриятлари юзасидан, агар ушбу мажбуриятлар кафолатланмаган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

7-модда

Мазкур Меморандум қоидалари Ўзбекистон Республикаси ёки Словакия Республикаси иштирокчилар бўлган халқаро шартномалардан ҳамда халқаро ташкилотларга аъзолигидан келиб чиқувчи Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди.

8-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига асосан, мазкур Меморандумга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

9-модда

Мазкур Меморандумнинг қоидаларини қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ барча масалалар, Томонлар ўртасида Комиссия доирасида дўстона музокаралар ва консултациялар йўли билан ҳал этилади.

10-модда

Мазкур Меморандум уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади.

Томонларнинг бири мазкур Меморандумни муддати тугашидан олти ой олдин, бекор қилиш нияти борлиги ҳақида иккинчи Томонга ёзма равишда хабар бермаса, ушбу Меморандум ҳар сафар бир йиллик муддатларга узайтирилади.

Мазкур Меморандум Братислава шаҳрида 2009 йил 3 июль куни икки

асл нусхада, ҳар бири ўзбек, словак ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

МЕМОРАНДУМ*
**о сотрудничестве между Министерством внешних
экономических связей, инвестиций и торговли
Республики Узбекистан и Министерством экономики
Словацкой Республики**

Братислава, 13 июля 2009 года

Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан и Министерство экономики Словацкой Республики, далее именуемые «Сторонами»,

— основываясь на положения Соглашения о партнерстве и сотрудничестве, учреждающего партнерство между Республикой Узбекистан, с одной стороны, и Европейскими сообществами и их государствами-членами, с другой стороны, от 21 июня 1996 года, со всеми его последующими изменениями и дополнениями,

— учитывая долголетние традиционные экономические отношения,

— стремясь укреплять и поддерживать экономическое сотрудничество на основе равенства и взаимной выгоды,

— признавая взаимные выгоды сотрудничества в области экономических отношений, направленных, в частности, на повышение взаимного товарооборота и объема предоставляемых услуг,

— руководствуясь общепризнанными нормами и принципами международного права,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут стремиться развивать и укреплять экономическое сотрудничество в интересах обеих стран.

* Вступил в силу с даты подписания.

Статья 2

Принимая во внимание долголетние, двусторонние отношения и достигнутый уровень экономического сотрудничества, Стороны договорились сотрудничать на долгосрочной основе, главным образом, в следующих областях:

- легкая промышленность;
- энергетика, включая сотрудничество на рынках третьих стран;
- транспорт, включая транспортные средства;
- здравоохранение и фармацевтическая промышленность;
- химическая и нефтехимическая промышленность;
- газовая промышленность;
- электротехническая промышленность;
- сельскохозяйственная техника;
- оборудование для пищевой промышленности, включая переработки;
- горнодобывающая промышленность;
- оборудование для производства строительных материалов;
- модернизация и реконструкция электростанций, включая электрические сети;
- сотрудничество в области строительных работ в промышленности;
- туризм, инвестиции, инновации и финансирование экономических проектов;
- презентация на ярмарках, выставках, семинарах и организации торговых миссий и бизнес-форумов предпринимателей.

Статья 3

В целях обеспечения сотрудничества в областях, определенных в статье 2 настоящего Меморандума, будет создана Межведомственная комиссия по экономическому сотрудничеству между Министерством внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан и Министерством экономики Словацкой Республики (далее «Комиссия»), состоящая из представителей соответствующих министерств, организаций и деловых структур государств Сторон.

Статья 4

Заседания Комиссии будут проводиться по необходимости, поочередно в Республике Узбекистан и Словацкой Республике. Комиссия согласует свой регламент работы.

Вопросы, связанные с деятельностью Комиссии в период между ее заседаниями, рассматриваются в рабочем порядке председателями Комиссии или по их поручению их уполномоченными заместителями. Стороны самостоятельно несут расходы, связанные с деятельностью Комиссии.

Статья 5

1. Основными задачами деятельности Комиссии являются:

а) обсуждение программ экономического сотрудничества Сторон в областях, представляющих взаимный интерес;

б) создание подходящих условий для предоставления кредитов и обеспечения финансирования экономического сотрудничества;

в) подготовка и реализация принятых программ по поддержке малого и среднего предпринимательства;

г) создание соответствующих условий для участия субъектов обеих стран в международных выставках и ярмарках, проводимых на территории обеих Сторон, а также для сотрудничества Торгово-промышленных палат стран обеих Сторон;

д) разработка предложений, направленных на расширение и углубление экономического сотрудничества между Сторонами, обмену соответствующей информацией о достижениях обеих стран в научно-технической области.

2. Комиссия будет способствовать развитию кооперационных отношений и других форм производственного сотрудничества.

Статья 6

Стороны не несут ответственности по обязательствам хозяйствующих субъектов государств Сторон, за исключением случаев, когда они принимают на себя поручительство (гарантию) по таким обязательствам.

Статья 7

Положения настоящего Меморандума не затрагивают прав и обязательств Сторон, вытекающих из международных договоров, участниками которых являются Республика Узбекистан или Словацкая Республика, и также их членства в международных организациях.

Статья 8

По взаимному согласию Стороны в настоящий Меморандум могут быть внесены изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Меморандума.

Статья 9

Стороны вопросы, связанные с применением и толкованием настоящего Меморандума, будут разрешать путем переговоров и консультаций в рамках Комиссии.

Статья 10

Настоящий Меморандум вступает в силу с даты его подписания и остается в силе в течение пяти лет.

По истечении пятилетнего периода действие настоящего Меморандума автоматически продлевается каждый раз на одногодичный срок, пока ни одна из Сторон не позднее чем за шесть месяцев до истечения очередного срока

действия не уведомит в письменной форме другую Сторону о своем намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Братиславе 13 июля 2009 года в трех подлинных экземплярах, каждый на узбекском, словацком и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае разногласия в толковании положений настоящего Меморандума Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон
Республикаси Ҳукумати ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик
қилиш ва ахборот алмашиш тўғрисида
БИТИМ**

Боку, 2008 йил 11 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2009 йил 6 июлдаги ПҚ-1150-сон Қарори билан
тасдиқланган**

*(2009 йил 29 июлда кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига, шунингдек 1996 йил 27 майдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад (фойда)га ва мулкка солиқлар тўлашдан бўйин товлашларнинг олдини олиш тўғрисидаги Битим қоидаларига амал қилган ҳолда,

солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал этишда ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқиб,

ушбу мақсадларда барча ҳуқуқий ва бошқа имкониятлардан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериб,

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 325-модда.

**Озарбайжон Республикаси ТИВнинг 03.03.2009 й. 01/206-сон нотаси ва Ўзбекистон Республикасининг 23.07.2009 й. 05/21242-сон нотаси.

қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

1-модда
Асосий тушунчалар

Мазкур Битим мақсадлари учун фойдаланиладиган атамалар қуйидаги маъноларни англатади:

солиқ қонунчилиги — Томонларнинг ҳудудларида солиқлар ва йиғимлар турларини, уларни ундириш тартибини белгиловчи ҳамда солиққа оид ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи;

солиқ қонунчилигини бузиш — солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунларни бажармасликда ёки лозим даражада бажармасликда намоён бўладиган ва бунинг учун Томонларнинг миллий қонунчилигида жавобгарлик белгиланган гайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

ёрдам тўғрисида сўров — солиқ қонунчилигига риоя қилиш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича масалаларда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўров.

2-модда
Битим предмети

Томонларнинг ваколатли идораларни ташкил этиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, шунингдек Томонлар ваколатли идораларининг тасарруфига берилган солиқ соҳасидаги ахборотларни алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилиши мазкур Битимнинг предмети ҳисобланади.

Томонларнинг ваколатли идоралари мазкур Битим доирасидаги ҳамкорликни Томонларнинг миллий қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига амал қилган ҳолда амалга оширадилар.

3-модда
Ваколатли идоралар

1. Мазкур Битим мақсадлари учун қуйидагилар Томонларнинг ваколатли идоралари ҳисобланади:

Ўзбекистон томонидан — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;

Озарбайжон томонидан — Озарбайжон Республикаси Солиқлар бўйича вазирлиги.

2. Томонлар ваколатли идораларининг расмий номи ўзгарган ёки улар қайта ташкил этилган тақдирда, Томонлар бу тўғрисида бир-бирларини дарҳол ёзма равишда хабардор қиладилар.

4-модда

Ҳамкорлик шакллари

Мазкур Битим доирасида Томонларнинг ваколатли идоралари ҳамкорликнинг қуйидаги шаклларида фойдаланадилар:

а) солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларни ўтказиш масалаларида ўзаро ҳамкорлик;

б) Томонлар давлатлари ҳудудида жисмоний ва юридик шахсларга солиқ солиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тегишли тартибда тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш;

в) миллий солиқ тизимлари, солиқ қонунчилигидаги ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича услубий тавсияномаларни алмашиш;

г) ҳамкорлик жараёнида фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга ошириш ва пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур ёрдам кўрсатиш, ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун тажриба алмашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, кадрларни ўқитиш муаммолари ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилувчи бошқа масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказиш.

Мазкур Битим қоидалари Томонлар ўртасида тузилган бошқа битимларга мувофиқ ваколатли солиқ идораларининг ҳамкорлигига тўсқинлик қилмайди.

Томонларнинг ваколатли идоралари мазкур Битимни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан бир-бирлари билан бевосита ҳамкорлик қиладилар.

5-модда

Солиқ соҳасида ахборот алмашиш

1. Солиқ соҳасида ахборот алмашиш қуйидаги маълумотларни тақдим этишни назарда тутаяди:

а) солиқ қонунчилигини бузувчилар томонидан қўлланиладиган усуллар кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишдан яширишлари тўғрисида;

б) солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ва тижорат банкларида ҳисоб рақамлар очилганлиги, шунингдек бу ҳисоб рақамлар орқали маблағларнинг ҳаракати тўғрисида;

в) даромадлар ва солиқ солинадиган маблағлар миқдори ҳақида солиқ қонунчилигини бузган юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар суммалари, шунингдек солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида.

2. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган маълумот бир томоннинг ваколатли идораларига иккинчи томоннинг ваколатли идорасининг

сўровига асосан, маълумотни тақдим этиш сўралаётган Томон давлатининг қонунчилиги ва манфаатларига зид бўлмаслиги шарти билан берилади.

3. Агар Томонлардан бирининг ваколатли идораси ўзида мавжуд бўлган маълумотни бошқа Томоннинг ваколатли идораси учун манфаатли деб билса, у ушбу маълумотни ўз ташаббуси билан тақдим этиши мумкин.

6-модда **Тадбирлар ўтказиш**

Томонлар ваколатли идораларининг солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича бундай ҳуқуқбузарликларни содир қилган ёки уларни содир қилишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан ўтказиладиган тадбирлар ўзаро ҳамкорликни биргаликда режалаштиришни, куч ва воситалардан фойдаланишни, бу тадбирларнинг бориши ва уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот алмашишни ўз ичига олади.

Биргаликдаги тадбирларни ўтказишда ўз ходимларининг бошқа томон ҳудудидаги фаолиятини таъминлаш бўйича харажатларни, агар Томонлар бошқа ҳолатни келишиб олмаган бўлсалар, юборувчи Томон қоплайди.

7-модда **Ҳужжатларни тақдим этиш**

Томонларнинг ваколатли идоралари ҳамкорлик тўғрисидаги сўров бўйича бир-бирларига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солишга тааллуқли ҳужжатлар (ҳисоб варақ-фактуралар, юкхатлар, шартномалар, контрактлар, сертификатлар, маълумотномалар ва бошқалар)ни шунингдек солиққа оид ҳуқуқбузарликларга тегишли масалалар бўйича ҳужжатлар нусхаларини тақдим этадилар.

Нусхалар сўралаётган Томон ваколатли шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Тасдиқланган нусхалар текшириш учун етарли бўлмаган ҳолда ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалари талаб қилиниши мумкин. Белгиланган ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалари келишилган муддатларда қайтарилиши керак.

Материаллар уларни талқин қилиш ёки улардан фойдаланиш учун зарур бўлган қўшимча ахборот билан электрон кўринишда тақдим этилиши мумкин.

8-модда **Ҳуқуқий мазмундаги маълумотларни айирбошлаш**

Томонларнинг ваколатли идоралари миллий солиқ тизимлари, солиқ қонунчилиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни юритишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек амалдаги меъёрий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборотни айирбошлайдилар.

9-модда

Ахборот таъминоти масалалари бўйича ҳамкорлик

Томонларнинг ваколатли идоралари солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши масалалари бўйича тажриба, услубий қўлланмалар ва илмий материалларни алмашишни амалга оширадилар, шунингдек ўз давлатларининг қонунчилиги ва мазкур Битимга мувофиқ ўзларининг архивлари ва маълумот банкларида бўлган ахборотни бир-бирларига бепул тақдим этадилар.

10-модда

Сўровнинг шакли ва мазмуни

1. Ахборот олиш ҳақидаги сўров ёзма шаклда ёки матнни техникавий бериш воситаси орқали берилиши лозим.

Кечиктириш талаб қилинмайдиган ҳолларда телефон алоқаси воситасида берилган оғзаки сўров қабул қилиниши мумкин, аммо у дарҳол ёзма шаклда тасдиқланиши керак.

Матнни техникавий бериш воситаларидан фойдаланишда, шунингдек оғзаки сўровнинг ҳақиқийлиги ёки мазмунига нисбатан шубҳа-гумон пайдо бўлганда сўралувчи Томон ёзма равишда тасдиқланишини сўраши мумкин.

Ахборот олишга сўров қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- сўраётган Томоннинг ваколатли идорасининг номи;
- сўралаётган Томоннинг ваколатли идорасининг номи;
- сўров қилинаётган солиқ тўловчининг реквизитлари;
- сўров моҳиятини баён қилиш ва уни асослаш;
- асосий мажбуриятларининг тасвири;
- ҳуқуқбузарликни квалификациялаш;
- шунингдек уни ижро қилиш учун бошқа зарур маълумотлар.

Ахборот олишга сўров ва унинг жавоби рус тилида тузилади.

11-модда

Сўровни бажариш

Сўров у олинган санадан кейин уч ойдан кечиктирмасдан бажарилади. Зарурат бўлганда ваколатли идоралар ўртасидаги келишув бўйича сўровни ижро қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Агар сўров давлатнинг суверенитети ёки хавфсизлигига зарар етказадиган ёхуд сўралаётган ваколатли идора давлатининг миллий қонунчилигига зид келадиган бўлса, уни бажариш рад этилади.

Сўровни бажариш имконияти бўлмаган ҳолда сўралаётган ваколатли идора сўраётган ваколатли идорани бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

12-модда

Сўровни бажаришдаги ҳамкорлик

Томонларнинг ваколатли идоралари мазкур Битимга, миллий қонунчи-

ликка мувофиқ ва ўз ваколатлари доирасида сўровни бажаришда бир-бирларига ёрдам берадилар.

Томонлар ваколатли идораларининг вакиллари зарурат бўлганда сўровни бажариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказадилар.

13-модда

Махфийликка риоя қилиш

Аниқ бир солиқ тўловчиларга тааллуқли маълумотлар махфий ҳисобланади ва сўралаётган Томон давлати қонунчилиги ва сўраётган Томон давлати талабларига мувофиқ ҳимоя режими билан таъминланади.

Олинган маълумотлар Томонлар тарафидан фақатгина ушбу Битимда назарда тутилган мақсадларда, шу жумладан маъмурий ёки суд ишларида фойдаланилиши мумкин. Олинган маълумотдан бошқа мақсадларда фойдаланиш ёки учинчи томонга бериш фақат сўралаётган Томоннинг ёзма равишдаги розилиги билан мумкин.

14-модда

Мунозарали масалаларни тартибга солиш

Томонлар Битимни талқин қилишда ва қўллашда юзага келадиган мунозарали масалаларни тартибга солишда ўзаро келишувга эришишга интиладилар.

15-модда

Харажатлар

Томонларнинг ваколатли идоралари ўз давлати ҳудудида мазкур Битимни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплайдилар. Қўшимча харажатларни талаб қилувчи сўровлар олинган ҳолда уларни молиялаштириш масаласини Томонларнинг ваколатли идоралари ўзаро келишув бўйича кўриб чиқадилар.

16-модда

Ўзгартириш ва қўшимчалар

Томонлар мазкур Битимни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича бир-бирларини хабардор қиладилар ҳамда унга заруратга қараб ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритадилар.

Томонларнинг ўзаро розилигига кўра мазкур Битимга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин ва улар алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади, улар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва 18-модда қоидаларига мувофиқ кучга киради.

17-модда

Алоҳида қоидалар

Мазкур Битим Томонларнинг улар иштирокчилари бўлган бошқа халқ-

аро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқлари ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

Мазкур Битим қоидаларни амалга ошириш мақсадларида Томонлар ёки уларнинг ваколатли идоралари айрим масалалар бўйича қўшимча битимлар тузишлари мумкин.

Мазкур Битим уни имзолаш пайтида Томонлар ўртасида мавжуд бўлган ёрдам кўрсатиш амалиётини чекламайди ва Томонлар ўртасида бўлиши мумкин бўлган ҳамкорликнинг барча шакллари ва усулларини бекор қилмайди.

18-модда

Битимнинг кучга кириши ва амал қилишини тўхтатиши

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат процедураларини бажарганлиги тўғрисида ёзма равишда охириги хабар олинган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бирининг мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонга юборган хабарномасини Томонларнинг иккинчиси олган кундан кейин олти ой давомида амал қилади.

Боку шаҳрида 2008 йил 11 сентябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битимни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, рус тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Азербайджанской Республики
о сотрудничестве и обмене информацией в налоговой сфере

Баку, 11 сентября 2008 года

*Утверждено Постановлением Президента Республики
Узбекистан от 6 июля 2009 года № ПП-1150**

*(Вступило в силу 29 июля 2009 года)***

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Азербайджанской Республики, именуемые в дальнейшем «Сторонами»,

руководствуясь национальным законодательством государств Сторон, а также положениями Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Азербайджанской Республики об избежании двойного налогообложения доходов и предотвращении уклонения от уплаты налогов на доходы (прибыль) и на имущество от 27 мая 1996 года,

исходя из взаимной заинтересованности в эффективном решении задач, связанных с предупреждением, выявлением и пресечением налоговых правонарушений,

придавая важное значение использованию в этих целях всех правовых и других возможностей,

согласились о нижеследующем:

Статья 1.
Основные понятия

Для целей настоящего Соглашения используемые термины означают:
налоговое законодательство — совокупность юридических норм, устанавливающих виды налогов и сборов, порядок их взимания на территориях государств Сторон и регулирующих отношения, связанные с возникновением, изменением и прекращением налоговых прав и обязательств;

нарушение налогового законодательства — противоправное действие или бездействие, выражающееся в неисполнении либо ненадлежащем исполнении налогоплательщиками законодательства о налогах и сборах, за которое национальным законодательством государств Сторон установлена ответственность;

запрос о содействии — запрос об оказании содействия в вопросах соблюдения налогового законодательства и правонарушений в этой сфере.

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., № 28, ст. 325.

** Нота МИД Азербайджанской Республики от 03.03.2009 г. № 01/206 и Нота Республики Узбекистан от 23.07.2009 г. № 05/21242.

Статья 2. **Предмет Соглашения**

Предметом настоящего Соглашения является сотрудничество компетентных органов Сторон с целью организации и пресечения налоговых правонарушений, а также обмен информацией в налоговой сфере, отнесенных к ведению компетентных органов Сторон.

Компетентные органы Сторон осуществляют сотрудничество в рамках настоящего Соглашения, руководствуясь национальным законодательством и международными обязательствами Сторон.

Статья 3. **Компетентные органы**

1. Для целей настоящего Соглашения компетентными органами Сторон являются:

с узбекской Стороны — Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан;

с азербайджанской Стороны — Министерство по налогам Азербайджанской Республики.

2. В случае изменения официального наименования или преобразования компетентных органов Сторон они незамедлительно уведомляют об этом друг друга в письменной форме.

Статья 4. **Формы сотрудничества**

В рамках настоящего Соглашения компетентные органы Сторон используют следующие формы сотрудничества:

а) взаимодействие по вопросам проведения мероприятий, направленных на выявление, предупреждение и пресечение налоговых правонарушений;

б) предоставление соответствующим образом заверенных копий документов, связанных с налогообложением физических и юридических лиц на территории государств Сторон;

в) обмен информацией о национальных налоговых системах, об изменениях и дополнениях налогового законодательства, а также методическими рекомендациями по пресечению налоговых правонарушений;

г) осуществление координации деятельности и оказание необходимой помощи по вопросам, возникающим в процессе сотрудничества, обмен опытом по созданию и функционированию информационных систем, проведение научно-практических конференций и семинаров по проблемам пресечения налоговых правонарушений, обучения кадров и другим вопросам, требующим совместных действий.

Положения настоящего Соглашения не препятствуют сотрудничеству компетентных налоговых органов в соответствии с иными соглашениями, заключенными между Сторонами.

По вопросам, связанным с выполнением настоящего Соглашения, компетентные органы Сторон взаимодействуют непосредственно друг с другом.

Статья 5. Обмен информацией в налоговой сфере

1. Обмен информацией в налоговой сфере предусматривает предоставление сведений:

а) о сокрытии доходов юридическими или физическими лицами от налогообложения с указанием способов, применяемых при этом нарушителями налогового законодательства;

б) об открытии счетов в государственных и коммерческих банках юридическими и физическими лицами, а также движении средств по этим счетам, в случае установления налоговых правонарушений;

в) о доходах и размерах налогооблагаемой суммы и суммах взимаемых налогов с юридических и физических лиц, нарушивших налоговое законодательство, а также о мерах по выявлению, предупреждению и пресечению налоговых правонарушений.

2. Информация, предусмотренная пунктом 1 настоящей Статьи, предоставляется компетентным органам одной Стороны на основании запроса компетентного органа другой Стороны при условии, что предоставление информации не противоречит законодательству и интересам государства запрашиваемой Стороны.

3. Если компетентный орган одной из Сторон считает, что информация, которой он располагает, представляет интерес для компетентного органа другой Стороны, он может предоставить эту информацию по собственной инициативе.

Статья 6. Проведение мероприятий

Взаимодействие компетентных органов Сторон при проведении мероприятий по выявлению, предупреждению и пресечению налоговых правонарушений в отношении лиц, совершивших такие правонарушения или подозреваемых в их совершении, включает совместное планирование, использование сил и средств, обмен информацией о ходе и результатах проведения этих мероприятий.

При проведении совместных мероприятий расходы по обеспечению деятельности своих сотрудников на территории другой Стороны несет направляющая Сторона, если иное не оговорено Сторонами.

Статья 7. Предоставление документов

Компетентные органы Сторон предоставляют друг другу по запросу о содействии нормативно-правовые акты, копии документов, касающихся налогообложения юридических и физических лиц (счета-фактуры, накладные,

договоры, контракты, сертификаты, справки и другие), а также документов по вопросам, имеющим отношение к налоговым правонарушениям.

Копии заверяются подписью уполномоченного лица и печатью компетентного органа запрашиваемой Стороны. Оригиналы документов и других материалов могут быть затребованы в случае, когда заверенных копий недостаточно. Передаваемые оригиналы документов и других материалов должны быть возвращены в согласованные сроки.

Материалы могут быть предоставлены в электронном виде с дополнительной передачей сопутствующей информации, необходимой для толкования или использования этих материалов.

Статья 8.

Обмен информацией правового характера

Компетентные органы Сторон осуществляют обмен информацией о национальных налоговых системах, правовых основах производства по делам о правонарушениях в области налогового законодательства, а также изменениях и дополнениях, внесенных в действующие нормативные акты.

Статья 9.

Сотрудничество по вопросам информационного обеспечения

Компетентные органы Сторон осуществляют обмен опытом, методиками и научными материалами по вопросам создания и функционирования информационных систем для осуществления мер по пресечению налоговых нарушений, а также безвозмездно предоставляют друг другу имеющуюся в их архивах и банках данных информацию в соответствии с законодательством своих государств и настоящим Соглашением.

Статья 10.

Форма и содержание запроса

1. Запрос о содействии должен передаваться в письменной форме или посредством технических средств передачи текста.

В неотложных случаях может быть принят устный запрос, переданный посредством телефонной связи, однако он должен быть незамедлительно подтвержден в письменной форме.

При использовании технических средств передачи текста, а также при возникновении сомнений в отношении подлинности или содержания устного запроса компетентный орган запрашиваемой Стороны может запросить подтверждение в письменной форме.

Запрос о содействии должен содержать:

- наименование компетентного органа запрашивающей Стороны;
- наименование компетентного органа запрашиваемой Стороны;
- реквизиты налогоплательщика, в отношении которого делается запрос;
- изложение существа и обоснование запроса;
- описание фактических обязательств;

— квалификация правонарушения;
— а также другие сведения, необходимые для его исполнения.
Запрос о содействии и ответ на него составляются на русском языке.

Статья 11. Исполнение запроса

Запрос о содействии исполняется не позднее трех месяцев с даты его получения. В случае необходимости по договоренности между компетентными органами срок исполнения запроса может быть продлен.

В исполнении запроса отказывается, если это может нанести ущерб суверенитету или безопасности государства либо противоречит национальному законодательству государства запрашиваемого компетентного органа.

В случае невозможности исполнения запроса запрашиваемый компетентный орган письменно уведомляет об этом запрашивающий компетентный орган.

Статья 12. Взаимодействие при исполнении запроса

Компетентные органы Сторон оказывают друг другу содействие при исполнении запроса в соответствии с настоящим Соглашением, национальным законодательством и в пределах своей компетенции.

Представители компетентных органов Сторон при необходимости проводят встречи для обсуждения вопросов, связанных с выполнением запроса.

Статья 13. Соблюдение конфиденциальности

Информация, касающаяся конкретных налогоплательщиков, является конфиденциальной и обеспечивается режимом защиты в соответствии с законодательством государства запрашиваемой Стороны и требованиями государства запрашивающей Стороны.

Полученная информация может быть использована Сторонами только в целях, предусмотренных настоящим Соглашением, в том числе для административного или судебного разбирательства. Использование полученной информации в иных целях или ее передача третьей стороне возможна только с письменного согласия компетентного органа Стороны передавшего информацию.

Статья 14. Урегулирование спорных вопросов

Стороны будут стремиться к достижению взаимного согласия при урегулировании спорных вопросов, возникающих при толковании и применении положений настоящего Соглашения.

**Статья 15.
Расходы**

Компетентные органы Сторон несут расходы, связанные с исполнением настоящего Соглашения на территории своего государства. В случае получения запросов, требующих дополнительных расходов, вопрос об их финансировании рассматривается компетентными органами Сторон по взаимной договоренности.

**Статья 16.
Изменения и дополнения**

Стороны будут информировать друг друга по вопросам, связанным с выполнением настоящего Соглашения и вносить в него, по мере необходимости, изменения и дополнения.

Изменения и дополнения к настоящему Соглашению могут вноситься по взаимному согласию Сторон и оформляются отдельными протоколами, которые будут являться неотъемлемой частью настоящего Соглашения и вступают в силу в соответствии с положениями статьи 18.

**Статья 17.
Отдельные положения**

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

В целях реализации положений настоящего Соглашения Стороны или их компетентные органы могут заключать дополнительные соглашения по отдельным вопросам.

Настоящее Соглашение не ограничивает практику оказания помощи, существующую между Сторонами на момент его подписания, и не исчерпывает все формы и методы сотрудничества, которые могут иметь место между Сторонами.

**Статья 18.
Вступление в силу и прекращение действия
Соглашения**

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня получения последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для вступления его в силу, и действует до истечения шести месяцев со дня получения одной из Сторон письменного уведомления другой Стороны о ее намерении прекратить действие настоящего Соглашения.

Совершено в г. Баку 11 сентября 2008 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, азербайджанском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

При возникновении разногласий в толковании настоящего Соглашения за основу принимается текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон
Республикаси Ҳукумати ўртасида гуманитар соҳада
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

Боку, 2008 йил 11 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги
ПҚ-1150-сон Қарори билан тасдиқланган**

*(2009 йил 29 июлда кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, келгусида маданият ва санъат, фан ва таълим, ёшлар ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришни истаб, иккала давлат халқларининг маданий алоқалари ва дўстона муносабатлари анъаналарини инобатга олиб, гуманитар алоқалар иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига жавоб беришига ва дўстлик, иноқлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга ёрдам беришига ишонган ҳолда,
қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

I. Маданият ва санъат

1-модда

Томонлар тижорат ва нотижорат шартлар асосида тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, амалий ва фотосанъат кўرғазмалари, кинофильмлар алмашувига имкон яратадилар.

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 325-модда.

**Озарбайжон Республикаси ТИВнинг 03.03.2009 й. 01/206-сон нотаси ва Ўзбекистон Республикасининг 23.07.2009 й. 05/21242-сон нотаси.

2-модда

Томонлар маданият ва киноматография соҳасида Ўзбекистон ва Озарбайжон муассасалари ва ташкилотлари ўртасида бевосита ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

3-модда

Томонлар ҳамкор мамлакатда концертлар ва бадий гастроллар, анъанавий ёки замонавий санъат кўргазмаларини уюштиришга интиладилар.

4-модда

Томонлар ҳамкор мамлакатда бўлиб ўтадиган бадий фестивалларда ўз ансамбллари ҳамда ижрочиларининг иштирокини қўллаб-қувватлайдилар.

5-модда

Томонлар Ўзбекистон ва Озарбайжон манфаатдор муассасалари ва ташкилотлари ўртасида археология, музей иши, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва муҳофаза қилиш соҳаларида бевосита ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

6-модда

Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига ва иккала Томон тарафидан имзоланган тегишли халқаро шартномаларга мувофиқ, уларнинг маданий мерос бўлмиш маданий бойликларни яширинча олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда бошқа томонга бериш ҳолларининг олдини олиш бўйича чоралар кўрадилар.

7-модда

Томонлар ўз давлатларининг ҳуқуқий қоидаларига мувофиқ иккала мамлакат миллий кутубхоналари ўртасида экспертлар ва шунингдек ахборот ва микрофильмлар алмашуви соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар. Томонлар китобларни оммалаштириш ва шунингдек кутубхоначилик ва нашриётчилик фаолияти соҳаларида қўшма таълим лойиҳаларини амалга оширишга интиладилар.

8-модда

Томонлар ўз мамлакатларида ўтказиладиган симпозиумлар, кўргазмалар, фестиваллар ва танловлар ҳақида бир-бирларига маълум қиладилар ҳамда бу тадбирларда нашр қилинадиган материаллар билан алмашадилар.

II. Фан ва таълим

9-модда

Томонлар қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берган ҳолда ҳамкорлик қиладилар:

- 1) таълим тизимлари, уларни ривожлантириш режалари ва ислохот йўналишлари тўғрисида ахборот алмашиш;
- 2) Томонлар манфаатдор бўлган ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш;
- 3) барча даражалардаги таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;
- 4) конференциялар, симпозиумлар, шунингдек ёшлар учун олимпиада ва танловлар ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш;
- 5) Ўзбекистонда озарбайжон тилини, Озарбайжонда ўзбек тилини ўрганиш масаласи бўйича фикр алмашиш.

10-модда

Томонлар иккала мамлакат Фанлар академиялари, олий ўқув юртлари ҳамда бошқа манфаатдор илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида қуйидаги соҳаларда тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш бўйича алоқаларни қўллаб-қувватлайдилар:

- 1) биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришни;
- 2) биргаликдаги илмий-тадқиқот лойиҳалари ва Томонлар ўтказадиган конгресслар, илмий семинарлар, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш доираларида олим ва мутахассислар билан алмашиш;
- 3) Томонлар давлатларининг ҳуқуқий қоидаларига мувофиқ илмий-техникавий ва патент ахбороти билан алмашиш;
- 4) докторантлар, аспирантлар ва стажерлар билан алмашиш,

III. Ахборот

11-модда

Томонлар иккала мамлакатдаги тегишли муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ахборот алмашувини қўллаб-қувватлайдилар. Томонлар иккала мамлакатнинг тарихи, географияси ва маданияти билан танишишга имкон берувчи нашрлар ва ўқув қўлланмалари алмашувини қўллаб-қувватлайдилар.

12-модда

Томонлар радиоэшиттириш ва телевидение соҳасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

IV. Ёшлар ва спорт

13-модда

Томонлар иккала мамлакат ёшлари ўртасида алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдилар, ёшлар делегациялари билан ўзаро алмашишга кўмаклашадилар, Томонлар ёшларини икки мамлакат ҳудудида ташкил этиладиган тадбирларда иштирок этишига кўмаклашадилар.

14-модда

Томонлар иккала мамлакат спорт федерациялари, жамиятлари ва клублари ўртасида бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлайдилар.

Спорт ташкилотлари ҳамкорлиги қуйидагиларни қамраб олади;

- 1) миллий спорт турларини оммалаштириш;
- 2) тажриба, илмий ва методик материаллар алмашуви;
- 3) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар малакасини оширувчи семинар ва курсларни ташкил қилиш;
- 4) оммавий спорт, допингга қарши кураш ҳамда спорт тадбирларида хавфсизликни таъминлаш соҳаларида экспертлар алмашиш.

15-модда

Ушбу Битимни қўллаш ҳамда талқин қилишда баҳс ва келишмовчиликлар юзага келса, Томонлар уларни дипломатик каналлар орқали маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этадилар.

16-модда

Томонлар ўзаро келишувига кўра ушбу Битимга Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва 17-моддада кўрсатилган тартибда кучга кирадиган, алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

17-модда

Ушбу Битим дипломатик каналлар орқали Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат процедураларини бажарганлиги тўғрисидаги сўнгги ёзма хабарномани олган санадан бошлаб кучга киради. Ушбу Битим 5 (беш) йил муддатга тузилади. Томонлардан ҳеч бири унинг амалдаги муддатининг якунидан камида олти ой аввал бошқа Томонни Битим амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилмаган бўлса, унинг амал қилиш муддати кейинги беш йиллик муддатга ўз-ўзидан узайтирилади.

Боку шаҳрида 2008 йилнинг 11 сентябрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда Томонлар рус тилидаги матндан фойдаланадилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Азербайджанской Республики в области
гуманитарного сотрудничества

Баку, 11 сентября 2008 года

Утверждено Постановлением Президента Республики
*Узбекистан от 6 июля 2009 года № ПП-1150**

*(Вступило в силу 29 июля 2009 года)***

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Азербайджанской Республики, далее именуемые «Сторонами»,

желая в дальнейшем развивать и поощрять сотрудничество между двумя странами в области культуры и искусства, науки и образования, молодежи и спорта,

принимая во внимание традиции культурного общения и дружественных отношений народов обоих государств,

будучи убеждены, что гуманитарные связи отвечают коренным интересам народов обеих стран и будут способствовать дальнейшему развитию отношений дружбы, добрососедства и взаимовыгодного сотрудничества,

согласились о нижеследующем:

І. Культура и искусство

Статья 1

Стороны будут благоприятствовать обмену выставками живописи, скульптуры, прикладного и фотоискусства, кинофильмами на коммерческих и некоммерческих условиях.

Статья 2

Стороны будут поддерживать прямое сотрудничество в области культуры и кинематографии между узбекскими и азербайджанскими учреждениями и организациями.

Статья 3

Стороны будут стремиться организовать концерты и художественные гастроли, выставки традиционного или современного искусства в стране партнера.

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., № 28, ст. 325.

** Нота МИД Азербайджанской Республики от 03.03.2009 г. № 01/206 и Нота Республики Узбекистан от 23.07.2009 г. № 05/21242.

Статья 4

Стороны будут поддерживать участие своих ансамблей и солистов в художественных фестивалях, организуемых в стране партнера.

Статья 5

Стороны будут поддерживать прямое сотрудничество в области археологии, музейного дела, реставрации и охраны памятников культуры между заинтересованными узбекскими и азербайджанскими учреждениями и организациями.

Статья 6

Стороны будут принимать меры в соответствии с национальными законодательствами государств Сторон и подписанными обеими Сторонами соответствующими международными договорами по предотвращению нелегального ввоза, вывоза и передачи культурных ценностей, являющихся их культурным наследием.

Статья 7

Стороны будут поддерживать сотрудничество национальных библиотек обеих стран в области обмена экспертами, а также информацией и микрофильмами в соответствии с правовыми положениями Сторон. Стороны будут стремиться реализовать совместные образовательные проекты в области популяризации книг, а также библиотечной и издательской деятельности.

Статья 8

Стороны будут извещать друг друга о проводимых в своих странах симпозиумах, выставках, фестивалях и конкурсах и обмениваться материалами, издаваемыми на этих мероприятиях.

II. Наука и образование

Статья 9

Стороны будут сотрудничать, обращая особое внимание на следующие вопросы:

- 1) обмен информацией о системах образования, планах их развития и направлениях реформирования;
- 2) подготовка кадров по специальностям, являющимся предметом интереса Сторон;
- 3) поддержка взаимного сотрудничества между образовательными учреждениями всех уровней;
- 4) поддержка организации конференций, симпозиумов, а также олимпиад и конкурсов для молодежи;
- 5) обмен мнениями по вопросам, касающимся изучения азербайджанского языка в Узбекистане и узбекского языка в Азербайджане.

Статья 10

Стороны будут поддерживать налаживание прямого сотрудничества между Академиями наук, высшими учебными заведениями и другими заинтересованными научно-исследовательскими организациями обеих стран в области:

- 1) осуществления совместных научных исследований;
- 2) обмена учеными и специалистами в рамках совместных научно-исследовательских проектов и участия в проводимых сторонами конгрессах, научных семинарах, конференциях и симпозиумах;
- 3) обмена научно-технической и патентной информацией в соответствии с правовыми положениями Сторон;
- 4) обмена докторантами, аспирантами и стажерами.

III. Информация

Статья 11

Стороны будут поддерживать обмен информацией между соответствующими учреждениями и организациями в обеих странах. Стороны будут поддерживать обмен публикациями и учебными пособиями, позволяющими познакомиться с историей, географией и культурой обеих стран.

Статья 12

Стороны будут поддерживать прямое сотрудничество в области радиовещания и телевидения.

IV. Молодежь и спорт

Статья 13

Стороны будут поддерживать развитие контактов молодежи обеих стран, будут содействовать обмену молодежными делегациями, способствовать участию молодежи Сторон в мероприятиях, организованных на территории обеих стран.

Статья 14

Стороны будут поддерживать прямые контакты между спортивными федерациями, обществами и клубами обеих стран.

Сотрудничество спортивных организаций будет охватывать:

- 1) популяризацию национальных видов спорта;
- 2) обмен опытом, научными и методическими материалами;
- 3) организацию семинаров и курсов, повышающих квалификацию специалистов в области физической культуры и спорта;
- 4) обмен экспертами в области массового спорта, борьбы с допингом и обеспечения безопасности на спортивных мероприятиях.

Статья 15

В случае возникновения споров и разногласий по применению и толкованию настоящего Соглашения Стороны разрешают их путем консультаций и переговоров по дипломатическим каналам.

Статья 16

По взаимной договоренности Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемыми частями настоящего Соглашения и вступающими в силу в порядке, установленном в статье 17.

Статья 17

- атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги энг яхши технологиялар билан алмашинуви;
- мутахассислар алмашинуви;
- экологик ўқув дастурлари, конференция ва симпозиумларни ташкиллаштириш;
- Томонлар зарур деб топган ҳамкорликнинг ҳар қандай бошқа шакллари.

5-модда

Ушбу Битимни талқин қилишда ва/ёки уни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликлар ўзаро маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6-модда

Ушбу Битимнинг қоидалари Томонларнинг улар иштирокчилари бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

7-модда

Томонларнинг ўзаро розилигига кўра ушбу Битимга унинг ажралмас

қисми бўлиб ҳисобланадиган, алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ва мазкур Битимнинг 8-моддасида кўрсатилган тартибда кучга кирадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Ушбу Битим Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги дипломатик қарорлар орқали сўнгги ёзма хабарномани олган санадан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим 5 (беш) йил муддатга тузилади. Агар Томонлардан ҳеч бири мазкур Битимнинг амал қилиш муддатининг тугашидан камида олти ой аввал бошқа Томонни Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилмаса, Битимнинг амал қилиш муддати кейинги 5 (беш) йиллик муддатга узайтирилади.

Ушбу Битимнинг амал қилиш муддатининг тугаши мазкур Битимга мувофиқ унинг амал қилиши даврида бошланган ишларнинг давом эттирилишига ва тугатилишига таъсир кўрсатмайди.

Боку шаҳрида 2008 йил 11 сентябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Государственным комитетом Республики
Узбекистан по охране природы и Министерством
экологии и природных ресурсов Азербайджанской
Республики о сотрудничестве в сфере охраны
окружающей среды

Баку, 11 сентября 2008 года

Утверждено Постановлением Президента Республики
*Узбекистан от 6 июля 2009 года № ПП-1150**

*(Вступило в силу 29 июля 2009 года)***

Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы и Министерство экологии и природных ресурсов Азербайджанской Республики, далее именуемые «Сторонами»,

уважая суверенитет и независимость обоих государств,

придавая важное значение развитию международного сотрудничества в области охраны окружающей среды,

основываясь на принципах и нормах международного права, международных обязательствах и законодательствах своих государств,

основываясь на положениях Декларации о дальнейшем развитии всестороннего сотрудничества и отношений партнерства между Республикой Узбекистан и Азербайджанской Республикой от 18 июня 1997 года,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут сотрудничать в области охраны окружающей среды на основе равенства, взаимности и взаимной выгоды.

Статья 2

Укрепление взаимного сотрудничества в сфере предотвращения загрязнения, мониторинга и охраны окружающей среды будет обеспечиваться реализацией специализированных программ и планов, разработанных между Сторонами.

Статья 3

Основными сферами сотрудничества между Сторонами по окружающей среде будут следующие:

- а) управление охраняемыми природными территориями;

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., № 28, ст. 325.

** Нота МИД Азербайджанской Республики от 03.03.2009 г. № 01/206 и Нота Республики Узбекистан от 23.07.2009 г. № 05/21242.

- б) охрана биологического разнообразия;
- в) оценка воздействия на окружающую среду;
- г) управление отходами (в том числе опасными отходами);
- д) мониторинг окружающей среды;
- е) охрана почв;
- ё) рациональное использование и охрана недр;
- ж) использование альтернативных источников энергии;
- з) разработка нормативно-правовых и нормативно-технических актов;
- и) совершенствование государственного управления по охране окружающей среды и природопользованию;
- й) та или иная сфера, являющаяся объектом совместных интересов Сторон.

Статья 4

Сотрудничество по сферам, перечисленным в статье 3 настоящего Соглашения, будет вестись следующим образом:

- совместные научно-технические исследования/ программы;
- подготовка проектов по сотрудничеству;
- обмен научно-технической, правовой информацией и документацией по совершенствованию охраны окружающей среды, не являющимися государственной тайной;
- обмен наилучшими технологиями в сфере охраны окружающей среды;
- обмен специалистами;
- организация экологических образовательных программ, конференций и симпозиумов;
- любые иные формы сотрудничества, рассматриваемые Сторонами как необходимые.

Статья 5

Споры, которые могут возникнуть в связи с толкованием и/или применением настоящего Соглашения, разрешаются путем взаимных консультаций и переговоров.

Статья 6

Положения настоящего Соглашения не затрагивают прав и обязательств Сторон по другим международным договорам, участниками которых они являются.

Статья 7

По взаимному согласию Сторон, в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, оформляемые отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения и вступающими в силу в порядке, предусмотренном статьей 8 настоящего Соглашения.

Статья 8

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается сроком на 5 (пять) лет. Его действие будет продлено на последующий пятилетний период, если ни одна из Сторон не уведомит в письменной форме не менее чем за шесть месяцев до истечения срока действия настоящего Соглашения о своем намерении прекратить его действие.

Прекращение действия настоящего Соглашения не окажет влияния на продолжение и завершение работ, согласованных в соответствии с настоящим Соглашением и начатых в период его действия.

Совершено в г. Баку 11 сентября 2008 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, азербайджанском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае расхождения в толковании положений настоящего Соглашения Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон
Республикаси Ҳукумати ўртасида махфий ахборотни ўзаро
ҳимоя қилиш тўғрисида
БИТИМ**

Боку, 2008 йил 11 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги
ПҚ-1150-сон Қарори билан тасдиқланган**

*(2009 йил 29 июлда кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 325-модда.

**Озарбайжон Республикаси ТИВнинг 03.03.2009 й. 01/206-сон нотаси ва Ўзбекистон Республикасининг 23.07.2009 й. 05/21242-сон нотаси.

ҳамкорлик жараёнида алмашиладиган махфий ахборот ҳимоясини таъминлаш мақсадида,

Томонлар давлатлари ўртасида мавжуд дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш истагига асосланиб,

Махфий маълумотларни алмашиш Томонлар ўртасида самарали ҳамкорлик олиб бориш учун зарур эканлигини и тан олиб,

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Озарбайжон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махфий ахборот ҳимоясини таъминлашдан ўзаро манфаатдорликни инобатга олган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Атамаларни аниқлаш

Ушбу Битим мақсадларида қўлланиладиган атамалар маънолари:

1) **«давлат сири»** — ҳар қандай шаклда ифодаланган, давлатлар томонидан ўз миллий қонунчилигига мувофиқ ҳимоя қилинадиган, рухсатсиз тарқатилиши Томонлар давлатларининг манфаатлари ва хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар;

2) **«махфий ахборот»** — Томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида олиннадиган (берилнадиган) ва (ёки) юзага келтирилган (ҳосил қилинган), ҳар қандай шаклда ифодаланган, давлатлар томонидан ўз миллий қонунчилигига мувофиқ давлат сири сифатида ҳимоя қилинадиган, рухсатсиз тарқатилиши Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) Озарбайжон Республикаси хавфсизлиги ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар;

3) **«махфий ахборот тарқатувчилар»** — моддий объектлар, шу жумладан махфий ахборот ўз аксини рамзлар, тимсоллар, сигналлар, техник ечимлар ва жараёнлар кўринишида топадиган табиий майдонлар;

4) **«махфий ахборотни ҳимоя қилиш»** — махфий ахборотни рухсатсиз тарқатишга йўл қўймаслик ва унинг эгаларини сақлаш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқий, маъмурий, ташкилий, муҳандис-техникавий ва бошқа чоралар;

5) **«махфий ахборотнинг рухсатсиз тарқатилиши»** — махфий ахборотни ошкор қилиш ёки бундай ахборот тарқатишнинг ўрнатилган тартибини бузиш оқибатида ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга унинг маълум бўлиши;

6) **«махфийлик устхати»** — махфий ахборот тарқатувчига қўйиладиган ва (ёки) унга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатиладиган, махфий ахборот эгасидаги маълумотнинг махфийлик даражасидан далолат берувчи реквизит;

7) **«ваколатланган орган»** — махфий ахборотларни бериш, қабул қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишда Томонлардан ҳар бири тарафидан ваколатланган давлат ҳокимияти органи ёки ташкилот;

8) **«ваколатли органлар»** — Томонларнинг ушбу Битимни амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга масъул бўлган давлат органлари;

9) «**махфий ахборотдан фойдаланиш**» — жисмоний шахснинг махфий ахборотга кириш, ваколатланган органларнинг эса бундай ахборотдан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш ҳуқуқини расмийлаштириш процедураси;

10) «**махфий ахборотга кириш**» — махфий ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг махфий ахборот билан танишиш жараёни;

11) «**контракт**» — Томонларнинг ваколатланган органлари тарафидан тузиладиган ҳамда махфий ахборотнинг берилиши ва/ёки ҳосил қилинишини назарда тутадиган шартнома.

2-модда

Мазкур битимнинг предмети

Икки томонлама ҳамкорлик жараёнида олинадиган (бериладиган) ва (ёки) ҳосил бўладиган махфий ахборотни Томонларнинг ўзаро ҳимоялаши ушбу Битимнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

3-модда

Махфийлик даражаларининг таққосланиши

Томонлар давлатларининг махфий ахборотининг махфийлик даражаси ва унинг моддий тарқатувчиларининг ушбу даражадаги махфийлик устхатини қуйидаги тартибда таққосланади:

Ўзбекистон Республикасида:

«Ўта муҳим»
(ёки «O'ta muhim»)
«Ўта махфий»
(ёки «O'ta maxfiy»)
«Махфий»
(ёки «Maxfiy»)

Озарбайжон

Республикасида:
«Махфий»
(ёки «Maxfiy»)

4-модда

Ваколатли органлар

1. Томонларнинг ваколатли органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар:

Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Озарбайжон Республикасида — Озарбайжон Республикаси Миллий хавфсизлик вазирлиги.

2. Томонлар ҳамкорликнинг хусусиятига қараб, ушбу Битимни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштиришга масъул бўлган бошқа давлат ҳокимияти органларини тайинлаши мумкин. Бу ҳолда Томонлар бир-бирини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

5-модда

Махфий ахборотни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари

1. Томонлар ўз давлатларининг қонунчилигига мувофиқ қўйидаги мажбуриятларни зиммаларига оладилар:

— махфий ахборотни ҳимоя қилиш;

— махфий ахборотини берган Томон тарафидан ўзлаштирилган махфий ахборотнинг махфийлик грифини, унинг ёзма равишдаги розилигисиз ўзгартирмаслик;

— махфий ахборотга нисбатан (ушбу Битимнинг 3-моддасига мувофиқ равишда таққосланадиган) айнан шундай махфийлик даражасидаги ўз махфий ахборотига нисбатан қўллайдиган ҳимоя чораларини қўллаш;

— бошқа Томоннинг ваколатланган органидан қабул қилиб олинган махфий ахборотдан уни беришда кўзда тутилган мақсадлар доирасида фойдаланиш;

— махфий ахборотни берган Томоннинг олдиндан берган ёзма розилигисиз учинчи томонга махфий ахборотга киришни тақдим этмаслик;

2. Махфий ахборотга киришга уни беришда кўзда тутилган мақсадларда хизмат мажбуриятларини бажариши учун шу махфий ахборотни билиши керак бўлган ва махфий ахборотдан тегишлича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга рухсат берилади.

3. Зарурат тугилганда, махфий ахборотни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча талаблар (махфий ахборотдан фойдаланиш бўйича мажбуриятларни тўлиқ баён этиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича чораларни кўрсатиш кабилар) ушбу Битимнинг 9-моддасида назарда тутилган контрактларга киритилади.

6-модда

Махфий ахборотни бериш

1. Бошқа Томоннинг ваколатланган органига махфий ахборот бериш нияти пайдо бўлганда бераётган Томоннинг ваколатланган органи бошқа Томоннинг ваколатли органидан махфий ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи борлиги тўғрисида олдиндан ёзма тасдиқни сўрайди.

2. Махфий ахборот бериш тўғрисидаги қарорни Томонлар, ҳар бир алоҳида ҳолатда, ҳар бир Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ қабул қиладилар.

3. Томонларнинг ваколатли органлари ўртасида махфий ахборотни бериш бевосита, дипломатик каналлар орқали, фельдъегерь хизмати ёки берилаётган ахборотни ҳимоя қилишни таъминлайдиган ахборот беришнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Махфий ахборотни қабул қилиб олган ваколатланган орган уни қабул қилиб олганлигини тасдиқлайди.

4. Ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган усуллар орқали бериб бўлмайдиган махфий ахборот эгаларини бериш учун Томонларнинг ваколатланган органлари ўз давлатларининг қонунчилигига мувофиқ уларни ташиш усуллари, маршрути ва кузатиб бориш шакллари тўғрисида келишиб оладилар.

7-модда

Махфий ахборотдан фойдаланиш

1. Берилган махфий ахборот тарқатувчиларига уни қабул қилиб олишга масъул бўлган ваколатли орган томонидан қўшимча, ушбу Битимнинг 3-моддасига мувофиқ таққосланадиган махфийлик грифи қўйилади.

Томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида ва шунингдек таржима қилиш, нусха кўчириш ёки кўпайтириш натижасида ҳосил бўлган махфий ахборот тарқатувчиларига албатта махфийлик устхати қўйилади.

Берилган махфий ахборот асосида ҳосил бўлган махфий ахборот тарқатувчисига, берилган махфий ахборотнинг махфийлик устхатидан паст бўлмаган махфийлик устхати қўйилади.

2. Махфий ахборот тарқатувчилари Томонлар давлатларида уларнинг ўз махфий ахборотига нисбатан амал қиладиган талабларга мувофиқ рўйхатга олинади ва сақланади.

3. Олинган махфий ахборотнинг махфийлик даражаси ваколатланган орган томонидан уни берган Томон ваколатли органининг ёзма рухсати билангина ўзгартирилиши ёки олиб ташланиши мумкин.

Томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида ҳосил бўлган махфий ахборотнинг махфийлик даражаси ваколатли органларнинг ўзаро келишуви бўйича аниқланади, ўзгартирилади ёки олиб ташланади.

Махфий ахборотнинг махфийлик даражаси ўзгартирилганлиги ёки олиб ташланганлиги тўғрисида уни берган Томоннинг ваколатли органи бошқа Томоннинг ваколатли органини ёзма равишда хабардор қилади.

4. Махфий ахборот тарқатувчилари уларни етказиб берган Томон ваколатли органининг ёзма равишдаги хабарномасига кўра қайтарилади ёки йўқ қилинади.

Махфий ахборот тарқатувчиларини йўқ қилиш ҳужжат билан расмийлаштирилади, йўқ қилиш жараёнининг ўзи эса уни қайта тикланмаслигини таъминлаши лозим.

Махфий ахборот тарқатувчиларининг қайтарилганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида уларни етказиб берган Томон ваколатли органи ёзма хабардор қилинади.

8-модда

Махфий ахборотни ҳимоя қилиш бўйича чораларни қўллашга кетадиган харажатлар

Бир Томон ваколатланган органларининг махфий ахборотни ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари бошқа Томон ваколатланган органлари томонидан қопланмайди.

9-модда

Контрактлар

Тузиладиган контрактларга қуйидагиларни белгилаб берадиган бўлим киритилади:

- махфий ахборот рўйхати ва унинг махфийлик даражаси;
 - махфий ахборотни ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусияти;
 - берилаётган махфий ахборотни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари;
 - махфий ахборотдан фойдаланиш ва уни қайта ишлаш шартлари;
 - қабул қилиб олинган махфий ахборотни учинчи томонга бериш фақатгина уни тақдим этган ваколатланган органнинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мажбуриятлари;
- баҳсли масалаларни ҳал этиш ҳамда махфий ахборотнинг рухсатсиз тарқалиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган зарарни қоплаш тартиби.

10-модда **Маслаҳатлашувлар**

1. Ваколатли органлар ушбу Битимни амалга ошириш учун зарур бўлган ўз давлатларининг махфий ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан алмашинадилар.

Ваколатли органлар бир-бирини ушбу Битимга оид бўлган ва ўзгартиришлар киритишни талаб этадиган ўз давлатлари қонунчилигидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қиладилар.

2. Ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ваколатли органлар ушбу Битимни амалга ошириш мобайнида улардан бирининг илтимосига кўра қўшма маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

11-модда **Ташрифлар**

1. Бир Томон ваколатланган органлари вакилларининг бошқа Томон давлатининг махфий ахборотидан фойдаланишини кўзда тутувчи ташрифлари қабул қилувчи Томон ваколатли органининг рухсати билан амалга оширилади. Бундай ташрифлар учун рухсат ушбу Битимнинг 5-моддаси 2-бандида кўрсатилган шахсларгагина берилади.

2. Мўлжалланаётган ташриф тўғрисидаги мурожаатнома юборувчи Томоннинг ваколатли органи томонидан мўлжалланаётган ташриф санасидан кечи билан ўттиз кун аввал қабул қилувчи Томоннинг ваколатли органига юборилади.

Мўлжалланаётган ташриф тўғрисидаги мурожаатнома қабул қилувчи Томон давлатида қабул қилинган процедураларга мувофиқ тузилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- ташрифдан кўзланган мақсад;
- ваколатланган органлар вакилларининг исми ва фамилияси, уларнинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги ва паспортлари номерлари;
- ваколатланган органлар вакилларининг касби ва лавозими, улар ишлайдиган ваколатланган органлар номи;
- танишиб чиқиш зарур бўлган махфий ахборот;
- тегишли махфийлик даражасидаги махфий ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг мавжудлиги тўғрисида маълумот;

— ташрифнинг мўлжалланаётган санаси ва давом этиш муддати;
— бориб кўриш режалаштирилаётган ваколатланган органларнинг номи;
— ваколатланган органлар вакилларининг учрашиши кўзда тутилаётган шахсларнинг лавозимлари, фамилиялари ва исмлари.

3. Ташрифлар давомида қабул қилувчи ваколатланган органнинг вакиллари юборувчи Томон вакилларини тегишли махфийлик даражасидаги махфий ахборот билан ишлаш қоидалари билан таништирадilar. Юборувчи Томон вакиллари кўрсатилган қоидаларга амал қиладилар.

4. Муҳокама амалга оширилганда Томонлар ўзаро келишган ҳолда Томонлар давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ бир-бирига ўз вакиллари юборишлари мумкин. Ушбу шахсларнинг ташрифлари билан боғлиқ барча харажатлар юборувчи Томон томонидан амалга оширилади, агар Томонлар бошқача келишмаган бўлсалар.

12-модда

Махфий ахборотни ҳимоя қилиш талабларининг бузилиши

1. Бир Томоннинг ваколатланган ёки ваколатли органи томонидан бошқа Томоннинг ваколатли органига махфий ахборотнинг рухсатсиз тарқалишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳимоя қилиш талабларининг бузилиши аниқланганлиги тўғрисида дарҳол маълум қилинади.

2. Ваколатланган ёки ваколатли орган тергов олиб боради ва айбдор шахслар, ҳудудида қоида бузилиши содир этилган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

3. Томонларнинг ваколатли органлари бир-бирини тергов натижалари ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қиладилар.

13-модда

Баҳсли масалаларни ҳал этиш

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашга доир баҳслар ваколатли органлар ўртасида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

14-модда

Ҳамкорлик тили

Ушбу Битим доирасида ҳамкорликни амалга оширишда ишчи тил бўлиб рус тили ҳисобланади.

15-модда

Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган, алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

16-модда

Битимнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш

1. Ушбу Битим дипломатик каналлар орқали Томонларнинг Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлигини тасдиқловчи сўнгги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

2. Мазкур Битим ноаниқ муддатга тузилади.

3. Томонлардан ҳар бири ушбу Битимнинг амал қилишини бекор қилиш нияти тўғрисида бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориш йўли билан унинг амал қилишини бекор қилиши мумкин. Бу ҳолда ушбу Битимнинг амал қилиши мазкур хабарнома олинган санадан бошлаб олти ой ўтгач бекор қилинади.

4. Ушбу Битимнинг амал қилиши бекор қилинган тақдирда, унинг доирасида тақдим этилган махфий ахборотга нисбатан ундан махфийлик устхати олиб ташланмагунига қадар ушбу Битимнинг 5-моддасида кўзда тутилган ҳимоя чораларини қўллаш давом этади.

Боку шаҳрида 2008 йил 11 сентябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, рус тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Азербайджанской Республики
о взаимной защите секретной информации

Баку, 11 сентября 2008 года

*Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан от 6 июля 2009 года № ПП-1150**

*(Вступило в силу 29 июля 2009 года)***

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Азербайджанской Республики, именуемые в дальнейшем «Сторонами»,

в целях обеспечения защиты секретной информации, обмен которой осуществляется в ходе сотрудничества между Республикой Узбекистан и Азербайджанской Республикой,

руководствуясь желанием дальнейшего укрепления существующих дружественных взаимоотношений между государствами Сторон,

признавая, что обмен секретной информацией необходим для эффективного сотрудничества между Сторонами,

учитывая взаимные интересы в обеспечении защиты секретной информации в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и законодательством Азербайджанской Республики,

согласились о нижеследующем:

Статья 1.

Определение терминов

Для целей настоящего Соглашения применяемые термины означают:

1) **«государственная тайна»** (государственные секреты) — сведения, выраженные в любой форме, защищаемые государствами в соответствии с национальным законодательством, несанкционированное распространение которых может нанести ущерб безопасности и интересам государств Сторон;

2) **«секретная информация»** — получаемые (передаваемые) и (или) созданные (образовавшиеся) в процессе сотрудничества Сторон сведения, выраженные в любой форме, защищаемые государствами в соответствии с национальным законодательством как государственная тайна (государственные секреты), несанкционированное распространение которых может нанести ущерб безопасности и интересам Республики Узбекистан и (или) Азербайджанской Республики;

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2009 г., № 28, ст. 325.

** Нота МИД Азербайджанской Республики от 03.03.2009 г. № 01/206 и Нота Республики Узбекистан от 23.07.2009 г. № 05/21242.

3) **«носители секретной информации»** — материальные объекты, в том числе физические поля, в которых секретная информация находит свое отображение в виде символов, образов, сигналов, технических решений и процессов;

4) **«защита секретной информации»** — правовые, административные, организационные, инженерно-технические и иные меры, принимаемые в целях недопущения несанкционированного распространения секретной информации и сохранности ее носителей;

5) **«несанкционированное распространение секретной информации»** — предание огласке секретной информации или нарушение установленного порядка (правил) распространения такой информации, вследствие чего она становится известной лицам, не имеющим доступа к ней;

6) **«гриф секретности»** — реквизит, проставляемый на носителе секретной информации и (или) указываемый в сопроводительной документации на него, свидетельствующий о степени секретности сведений, содержащихся в их носителе;

7) **«уполномоченный орган»** — орган государственной власти или организация, которые уполномочены каждой из Сторон передавать, получать, хранить, защищать и использовать секретную информацию;

8) **«компетентные органы»** — государственные органы Сторон, ответственные за координацию деятельности по реализации настоящего Соглашения;

9) **«допуск к секретной информации»** — процедура оформления права физических лиц на доступ к секретной информации, а уполномоченных органов — на проведение работ с использованием такой информации;

10) **«доступ к секретной информации»** — процесс ознакомления с секретной информацией физического лица, имеющего соответствующий доступ к секретной информации;

11) **«контракт»** — договор, заключаемый уполномоченными органами Сторон и предусматривающий передачу и (или) образование секретной информации.

Статья 2.

Предмет настоящего Соглашения

Предметом настоящего Соглашения является взаимное обеспечение Сторонами защиты переданной и (или) образовавшейся в процессе двустороннего сотрудничества секретной информации.

Статья 3.

Сопоставимость степеней секретности

Степень секретности секретной информации государств Сторон и соответствующий этой степени гриф секретности для его материальных носителей сопоставляются в нижеследующем порядке:

в Республике Узбекистан:	в Азербайджанской Республике:
«особой важности»	«секретно»
«совершенно секретно»	
«секретно»	

Статья 4. Компетентные органы

1. Компетентными органами Сторон являются:
в Республике Узбекистан — Служба национальной безопасности Республики Узбекистан;
в Азербайджанской Республике — Министерство Национальной Безопасности Азербайджанской Республики.
2. В зависимости от характера сотрудничества Стороны могут назначать иные органы государственной власти, ответственные за координацию деятельности по реализации настоящего Соглашения, о чем они уведомляют друг друга по дипломатическим каналам.

Статья 5. Меры по защите секретной информации

1. Стороны в соответствии с законодательством своих государств обязуются:
защищать секретную информацию;
не изменять гриф секретности секретной информации, присвоенный передавшей Стороной, без ее письменного согласия;
применять в отношении секретной информации меры защиты, которые применяются в отношении собственной секретной информации такой же степени секретности (сопоставляемой в соответствии со статьей 3 настоящего Соглашения);
пользоваться секретной информацией, полученной от уполномоченного органа другой Стороны, исключительно в предусмотренных при ее передаче целях;
не предоставлять третьей стороне доступ к секретной информации без предварительного письменного согласия передавшей ее Стороны.
 2. Доступ к секретной информации разрешается лицам, которым знание данной секретной информации необходимо для выполнения служебных обязанностей в целях, предусмотренных при ее передаче, и имеющим соответствующий допуск к секретной информации.
- В случае необходимости дополнительные требования по защите секретной информации (с подробным изложением обязательств по обращению с секретной информацией и указанием мер по ее защите) включаются в контракты, предусмотренные статьей 9 настоящего Соглашения.

Статья 6.

Передача секретной информации

1. В случае намерения передать секретную информацию уполномоченному органу другой Стороны уполномоченный орган передающей Стороны предварительно запрашивает у компетентного органа другой Стороны письменное подтверждение о допуске к секретной информации.

2. Решение о передаче секретной информации принимается Сторонами в каждом отдельном случае в соответствии с законодательством государства каждой из Сторон.

3. Передача секретной информации между компетентными органами Сторон может осуществляться непосредственно, по дипломатическим каналам, фельдъегерской службой или с использованием технических средств передачи информации, обеспечивающих защиту передаваемой информации. Уполномоченный орган, получивший секретную информацию, подтверждает ее получение.

4. Для передачи носителей секретной информации, которые не могут быть переданы способами, указанными в пункте 3 настоящей статьи, уполномоченные органы Сторон в соответствии с законодательством своих государств договариваются о способе их транспортировки, маршруте и форме сопровождения.

Статья 7.

Обращение с секретной информацией

1. На переданных носителях секретной информации уполномоченным органом, ответственным за ее получение, дополнительно проставляются грифы секретности, сопоставляемые в соответствии со статьей 3 настоящего Соглашения.

Гриффы секретности обязательно проставляются на носителях секретной информации, образовавшейся в процессе сотрудничества Сторон, а также полученной в результате перевода, копирования или тиражирования.

На носителе секретной информации, образовавшейся на основе переданной секретной информации, проставляется гриф секретности не ниже грифа секретности переданной секретной информации.

2. Носители секретной информации учитываются и хранятся в соответствии с требованиями, действующими в государствах Сторон по отношению к собственной секретной информации.

3. Степень секретности полученной секретной информации может изменяться или сниматься уполномоченным органом только по письменному разрешению компетентного органа передавшей ее Стороны.

Степень секретности секретной информации, образовавшейся в процессе сотрудничества Сторон, определяется, изменяется или снимается по взаимному согласованию уполномоченных органов.

Об изменении или снятии степени секретности с секретной информа-

ции уполномоченный орган передавшей ее Стороны письменно уведомляет уполномоченный орган другой Стороны.

4. Носители секретной информации возвращаются или уничтожаются по письменному уведомлению уполномоченного органа передавшей их Стороны.

Уничтожение носителей секретной информации оформляется документально, а сам процесс уничтожения должен обеспечивать невозможность ее воспроизведения.

О возвращении или уничтожении носителей секретной информации письменно уведомляется уполномоченный орган передавшей их Стороны.

Статья 8. Расходы на осуществление мер по защите секретной информации

Расходы уполномоченных органов одной Стороны, возникающие в связи с осуществлением мер по защите секретной информации, не подлежат возмещению уполномоченными органами другой Стороны.

Статья 9. Контракты

В заключаемые контракты включается раздел, в котором определяются:

перечень секретной информации и степень ее секретности;
особенность защиты секретной информации;
обязательства по защите передаваемой секретной информации;
условия использования и обработки секретной информации;
обязательства по передаче третьей стороне полученной секретной информации только с письменного согласия уполномоченного органа, ее предоставившего;

порядок разрешения спорных вопросов и возмещения возможного ущерба от несанкционированного распространения секретной информации.

Статья 10. Консультации

1. Компетентные органы обмениваются законодательными и иными нормативными правовыми актами своих государств в области защиты секретной информации, необходимыми для реализации настоящего Соглашения.

Компетентные органы своевременно информируют друг друга об изменениях законодательства своих государств, касающихся настоящего Соглашения и требующих внесения в него изменений.

2. В целях обеспечения сотрудничества компетентные органы при реализации настоящего Соглашения проводят по просьбе одного из них совместные консультации.

Статья 11. Визиты

1. Визиты представителей уполномоченных органов одной Стороны, предусматривающие доступ указанных лиц к секретной информации государства другой Стороны, осуществляются по разрешению компетентного органа принимающей Стороны. Разрешение на такие визиты дается только лицам, указанным в пункте 2 статьи 5 настоящего Соглашения.

2. Обращение о предполагаемом визите направляется компетентным органом направляющей Стороны компетентному органу принимающей Стороны не позднее чем за тридцать дней до предполагаемой даты визита.

Обращение о предполагаемом визите составляется в соответствии с процедурами, принятыми в государстве принимающей Стороны, и содержит следующие сведения:

цель визита;

фамилии и имена представителей уполномоченных органов, даты и места их рождения, гражданство и номера паспортов;

профессии и должности представителей уполномоченных органов, название уполномоченных органов, в которых они работают;

секретная информация, с которой необходимо ознакомиться;

информация о наличии допуска к секретной информации соответствующей степени секретности;

предполагаемая дата и продолжительность визита;

название уполномоченных органов, посещение которых планируется;

должности, фамилии и имена лиц, с которыми представители уполномоченных органов предполагают встретиться.

3. Во время визитов представители принимающего уполномоченного органа знакомят с правилами работы с секретной информацией соответствующей степени секретности представителей направляющей Стороны. Представители направляющей Стороны соблюдают указанные правила.

4. При осуществлении разбирательства Стороны могут по взаимному согласию в соответствии с национальным законодательством государств Сторон направлять друг другу своих представителей. Оплата всех расходов, связанных с визитом этих лиц осуществляется направляющей Стороной, если Стороны не договорились об ином.

Статья 12.

Нарушение требований по защите секретной информации

1. Об установленном уполномоченным или компетентным органом одной Стороны нарушении требований по защите секретной информации, которое привело или может привести к ее несанкционированному распространению, незамедлительно сообщается компетентному органу другой Стороны.

2. Уполномоченный или компетентный орган проводит расследование, и виновные лица привлекаются к ответственности в соответствии с законодательством государства, на территории которого произошло нарушение.

3. Компетентные органы Сторон уведомляют друг друга о результатах расследования и принятых мерах.

Статья 13. Решение спорных вопросов

Споры относительно толкования или применения положений настоящего Соглашения разрешаются путем переговоров между компетентными органами.

Статья 14. Язык сотрудничества

Рабочим языком при осуществлении сотрудничества в рамках настоящего Соглашения является русский язык.

Статья 15. Внесение в Соглашение изменений и дополнений

По взаимной договоренности Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, оформляемые отдельными протоколами, которые являются неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

Статья 16. Вступление в силу, срок действия и прекращение действия Соглашения

1. Настоящее Соглашение вступает в силу со дня получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

2. Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок.

3. Каждая из Сторон может прекратить действие настоящего Соглашения путем направления по дипломатическим каналам письменного уведомления другой Стороне о своем намерении прекратить его действие. В этом случае действие настоящего Соглашения прекращается по истечении шести месяцев с даты получения указанного уведомления.

4. В случае прекращения действия настоящего Соглашения в отношении секретной информации продолжают применяться меры по ее защите, предусмотренные статьей 5 настоящего Соглашения, пока с нее не будет снят гриф секретности.

Совершено в г. Баку 11 сентября 2008 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, азербайджанском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий в толковании за основу принимается текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Буюк
Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги
Ҳукумати ўртасида Британия Кенгашининг
Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисида
МЕМОРАНДУМ***

Тошкент, 2009 йил 19 август

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

1993 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Ҳукумати ўртасида таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим (бундан кейин Битим) тузилганини ва унда Британия Кенгаши Бирлашган Қироллик Ҳукуматининг мазкур Битимни бажариш бўйича асосий агенти этиб тайинланганини эътиборга олиб,

Британия Кенгаши мустақил давлат ташкилоти ҳисобланиб, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги олдида ҳисоб беришини, Қироллик хартиясига мувофиқ тузилганини ва Бирлашган Қиролликда хайрия ташкилоти сифатида рўйхатга олинганини, унинг мақсади Бирлашган Қироллик ва инглиз тили тўғрисида маълумот тарқатишга ҳамда Бирлашган Қироллик бошқа мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон ўртасида маданий, илмий-техникавий ва бошқа ўқув-таълим ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат бўлганини инобатга олиб,

Британия Кенгаши ваколатхонасининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашишга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

1. Британия Кенгаши ваколатхонаси Ўзбекистон ва Бирлашган Қироллик ўртасида маданий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида ўз фаолиятини ривожлантиришга интилади. Ваколатхонанинг дастури молиялаштириш шарти билан қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Ўзбекистон ва Бирлашган Қиролликнинг ўқув, маданий ва илмий муассасалари ўртасида икки томонлама алоқаларга кўмаклашиш;

тилни ўқитиш методикаси ва инглиз тилини ўқитиш соҳасида кўмаклашиш;

таълим, санъат, фан ва касбга тайёрлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Бирлашган Қиролликда таълим олиши учун стипендиялар бериш ёки стипендиялар беришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа манфаатдор шахслар учун имтиҳонлар ўтказиш.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

2. Британия Кенгаши ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ техникавий ҳамкорлик бўйича хорижий давлатнинг ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитациядан ўтади.

Британия Кенгаши ваколатхонаси раҳбари ва чет эллик ходимлар техникавий ҳамкорлик бўйича хорижий давлатнинг ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси бошлиғи ва ходимлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитациядан ўтади.

3. Ваколатхона раҳбари ва чет эллик ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари қуйидагилардан озод этилади:

— Республика йўл жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлар, шахсий даромад солиғи ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалларидан;

— қуйидаги божхона тўловлари тўлашдан:

ваколатхона раҳбари ва чет эллик ходимлар мамлакатда вазифасини бошлаган вақтда шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган маиший хўжаликка мўлжалланган нарсалар, жиҳозлар, китоблар, мебель ва ишда фойдаланиш мақсадида олиб кириладиган бошқа предметлардан олинadиган, ваколатхона раҳбари ва чет эл ходимлари бу товарларни Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистоннинг тегишли органлари рухсатисиз сотмаслик шарти билан;

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ, шахсий фойдаланиш учун автотранспорт воситаларини олиб киришда божхона тўловлари тўлашдан.

Ушбу бандда белгиланган имтиёзлар Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига ҳам татбиқ этилади.

Агар Британия Кенгаши ваколатхонаси Ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатишга қарор қилса, у ўзига тегишли мулкларни олиб чиқиб кетиши мумкин.

4. Британия Кенгаши ваколатхонаси ўз фаолияти дастурини Битимга ва Британия Кенгаши Низомида кўрсатилган мақсадларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ белгилайди.

5. Британия Кенгаши ваколатхонаси нотижорат асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Шу билан бир вақтда Британия Кенгаши ваколатхонаси ўз харажатларини қоплаш учун барча ортиқча даромадларни Британия Кенгашининг Низомида кўрсатилган мақсадларни амалга оширишга, хусусан Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Қироллик ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришга йўналтириш шарти билан барча ўқув дастурларига тўлов ўрнатиши мумкин.

6. Британия Кенгаши ваколатхонаси ўз ихтиёрига кўра жойлашиш учун бино танлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Британия Кенгашига муносиб бинолар қидиришда ёрдам кўрсатади.

7. Британия Кенгаши ваколатхонаси Британия Кенгаши томонидан белгиланган шартларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчили-

гига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш шарти билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ходимларни ёллаши мумкин.

8. Британия Кенгаши ўз фаолиятини амалга ошириши ва хизматлар кўрсатиши давомида олган даромадлари барча солиқлардан, божлардан, шунингдек бошқа бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлардан озод этилади, Британия Кенгашининг иш берувчи мақоми билан боғлиқ бўлган мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Британия Кенгаши томонидан Тил маркази очилса, солиққа тортиш масаласи алоҳида келишув асосида тартибга солинади.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлган ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкасига эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш ҳуқуқи бўлган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари тегишлича мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланади.

9. Британия Кенгаши ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ўз ходимларининг сони, амалга ошириладиган дастур ва лойиҳалари, вақти, жойи, тартиби ва режалаштириладиган тадбирларнинг кун тартиби (конференция, семинар, тренинг ва бошқалар) тўғрисида келишиб оладилар, шунингдек амалга оширилган ишлар тўғрисида йиллик ҳисобот ва ваколатхонанинг фаолияти тўғрисида сўралган бошқа маълумотларни тақдим этади.

10. Британия Кенгаши ваколатхонасининг фаолиятида қоидабузарликлар аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Британия Кенгаши ваколатхонасидан зарур ҳужжат ва маълумотларни сўрашга, шунингдек уларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида хабарнома юборишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига ва халқаро-ҳуқуқ нормаларига мувофиқ чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

11. Ушбу Меморандум кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Британия Кенгаши ўртасида Ўзбекистонда Британия Кенгашининг фаолиятини ривожлантириш тўғрисида 1995 йил 12 декабрдаги Меморандум ўз кучини йўқотади.

Ушбу Меморандум имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири олти (6) ой олдин ёзма равишда ушбу Меморандумнинг фаолиятини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилмагунига қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 19 августда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТўПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 2-3 (22-23)-сон, 2009. — 168 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2009 й.

Таҳрир кенгаши:

*Р.А.Муҳитдинов, В.И.Норов, Е.С.Канъязов,
К.К.Рашидов, Ф.А.Ваҳобов*

Таҳририят манзили:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047, Тошкент ш.,
Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга гайёрлаганлар:

*Д.С.Саъдуллаев, А.А.Низамов,
М.К.Абдиджалиев, У. Солиева*

**Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Ш.Қурбонбоев
Мусахҳиҳлар: Д.Д.Дўстжонова, С.В.Артикова**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти.
100000, Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: 233-81-53, 233-94-63.

Босишга рухсат этилди 20.01.2010. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 10,5 б.т. Адади 350 нусха, буюртма — 76.

«Ғ. Фулом» Нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,
100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.